

БИЗНИНГ ХИЗМАТИМИЗ ОФИР ВА ШАРАФЛИ



10 НОЯБРЬ — МИЛИЦИЯ КУНИ

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ № 87 — 88

(2624 — 2625)

1993 йил

5 НОЯБРЬ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА

Биз барқарорликни кўзлаб ишламоқдамиз

Милиция куни арафасида таҳририят Ўзбекистон Республикаси ички ишлар Вазирлиги, ички хизмат генерал-лейтенанти З. Алматовга мурожаат қилиб, газетхонларни қизиқтирадиган саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

— Зокржон Алматович, ҳозир республикадаги криминоген вазиятни қандай баҳолайсиз?

— Умуман олганда жиноятчиликнинг ҳозирги ҳолати чуқур ташвиш уйғотмайди. Комил ишонч билан айтишим мумкинки, ички ишлар идоралари криминоген ҳолатни назорат қилмоқдалар.

1993 йилнинг тўққиз ойи мобайнида рўйхатга олинган жиноятларнинг умумий сони 70 мингга ташкил этди. Оғир деб ҳисобланувчи жиноятлар эса 9,7 фоиз кам бўлганлиги қайд этилди. Йил бошидан бери ўғирликлар миқдорининг кўзга ташланган қисқариш тамойили барқарорлашди. Давлат мулки ва жамоат мол-мулкни ўғирлашлар ўтган йилга қараганда 30 фоиздан кўпроққа камайди. Фуқаролар мулкига ана шундай жиноий тажовузлар қилишнинг миқдори қарийб 12 фоизга, шу жумладан хонадонларга ўғирликка тушишлар деярли 12 фоизга камайди.

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўчаларида юриш анча хавфсиз бўлиб қолганини қуйидаги рақамлар равшан кўрсатиб турибди. Ушбу йилда кўчаларда содир этилган жиноятлар 12,7 фоизга камайган. Умуман жамоат жойларида жиноятлар 4,8 фоиз кам бўлгани қайд этилган. Йўл ҳаракати хавфсизлигининг ҳолати яхшиланди. Кишиларнинг ҳалок бўлишига олиб келадиган йўл-транспорт ҳодисаларининг миқдори 1993 йилда 9 фоизга камайган. Ушбу йилда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сезиларли тарзда камаётганлиги факти ҳам

гоятда қувончли ҳолдир. 9 ой давомида улар 9,7 фоиз кам бўлганлиги рўйхатга олинган. Аҳолисининг кўпчилигини ёшлар ташкил этадиган республикамиз учун бу гоятда муҳим омил ҳисобланади.

— Ўзбекистон ҳақида сўз борганида кўпинча республикада ижтимоий-сиёсий вазият барқарор эканлигига алоҳида эътибор берилади. Бундай вазиятни қарор топтиришда ички ишлар идораларининг фаолияти катта роль ўйнаган бўлса керак?

— Албатта, ҳамма нарса ўзаро боғланган. Жиноятчилик ижтимоий кўриниш сифатида жамиятдаги зиддиятлар, тангликларнинг оқибатидир. Унинг ўсиши эса ўз навбатида бўҳронни кучайтиради, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни ёмонлаштиради. Россиядаги, Ҳамдўстлик мамлакатларининг кўпчилигидаги вазият бунга яққол исботдир. Фикримча, ана шу муносабат билан Ўзбекистонда ва бошқа давлатларда, собиқ иттифоқдош республикаларда жиноятчилик қандай аҳволдалиги хусусидаги рақамларни таққослаш фойдали бўлади.

— Агар 1992 йили Ўзбекистонда 93,6 минг жиноят рўйхатга олинган бўлса, аҳолиси икки баравар оз бўлган Беларусда улар 96,6 мингга, 16 миллион киши яшайдиган қўшнимиз Қозғистонда эса деярли 201 мингга ташкил этган. Жиноятчилик даражаси (рўйхатга олинган жиноятларнинг ҳар 100 минг аҳолига тўғри келадиган миқдори) ўтган йили



Ўзбекистонда 436, Беларусда 937, Қирғизистонда 976, Қозғистонда 1181, Россия Федерациясида эса 1857гача ташкил қилган.

Криминоген вазиятнинг сезиларли тарзда яхшиланиши, шубҳасиз, барча қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон раҳбарияти, биринчи навбатда, Президент И. Каримовнинг доно ва узоқни кўзлаган сиёсати туфайли таъминланаётган барқарорликнинг натижасидир. Табиийки, ички ишлар идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идораларнинг ҳар кунги, қизғин иши ҳам ўз самараларини бермоқда.

— Зокржон Алматович, милициянинг шу кунги фаолияти, унинг

муваффақиятлари ва муаммолари ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Милициянинг иши ҳеч қачон енгил бўлмаган, кейинги йилларда эса у айниқса оғирлашиб кетди. Ходимларимиз ишлашига тўғри келадиган шароит борган сари мураккаблашмоқда. Шундай бўлсада, биз куч-ҳаракатларимизни борган сари кучайтиряпмиз. Мунтазам равишда кенг миқёсда ўтказилаётган "Комплекс", "Арсенал", "Қорадори", "Ғамхўрлик", "Тун", "Тўр" сингари ва бошқа тезкор-профилактик тадбирлар вазият-

(Давоми 2-бетда).

СИЗДА ОРОМ ҚАЙДА,
СИЗДА ТИН ҚАЙДА?
СИЗ ТЎЙИБ УХЛАГАН
БИТТА ТУН ҚАЙДА?
ПОСБОН БИРОДАРЛАР,
ФИДОЙИ ЖОНСИЗ,
ЭЛ МЕҲРИ АСРАСИН
СИЗНИ ҲАР ЖОЙДА!
Муҳаммад ЮСУФ.

Муштарий табрик
йўллайди

Омон

бўлинглар!

Азиз, Ички ишлар идоралари ходимлари!

Мен, тўғриси айтсам, "Постда" газетаси чоп этилгунига қадар милиция ходимлари ҳақида салбий фикрда эдим. Бироқ "Постда"да ёритилаётган мақолаларни ўқиб борарканман, сизларга нисбатан муносабатим бутунлай ўзгарди. Ҳақиқатдан бу соҳада ўзини шер билганлар ишласин экан.

10 ноябрь — Ички ишлар идоралари ходимлари куни ҳам ишончим комилки, сиз, одатдаги каби, халқ хизматида бўласиз. Чунки, ҳурматли Вазирингиз айтганларидек, сиз учун элтинчи — ҳақиқий байрам.

Қасбий байрамларингиз арафасида сизларнинг оғир, айни дамда шарафли хизматингизда чидам, матонат, оилангизда тотувлик тилаб қоламан. Доимо омон бўлинглар!

Нодири ҲАСАНОВА,
Қашқадарё вилояти, Китоб тумани.

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг барқарорлашувига имкон яратмоқда, булар натижасида ўнлаб жиноятлар очилмоқда, қидирилатган жиноятчилар ушланмоқда, турли ҳуқуқ бузишлар аниқланмоқда.

Чунончи, "Арсенал" тадбирининг ўзидагина белгиланган қоидаларнинг бузилиши ва ғайриқонуний сақланганлиги учун деярли икки мингта ўқотар қурол, шу жумладан 100 тадан ортиқ резбали қурол мусодара қилинди. 9 ойнинг ичида аҳолидан ва жиноятчилардан жами 4,6 мингдан ортиқ ўқотар қурол, ўн минглаб ўқ-дори мусодара қилинди. Кўп жиҳатдан ички ишлар идоралари олиб борган кенг миқёсда тадбирлар туфайли ушбу йилда талон-торож (12,8 фоизга), қароқчиларча ҳужум қилишлар (5,9 фоизга), оғир тан жароҳати етказишлар (4,2 фоизга) анча камайди. Автотранспорт ўғирлашлар 39 фоиз камайди, машина олиб қочишлар эса деярли ярим баравар озайди.

Жиноятларни фож қилишни яхшилаш учун кўп ишлар қилинмоқда. Ушбу йилда 3,5 мингдан кўпроқ жиноят очилди. Шу жумладан шохдидлар йўқлигида содир этилган 2 мингдан ортиқ жиноят очиб ташланди. Очилмаган жиноятларнинг қолдиги бешдан бир ҳиссага қисқарди. Ана шу ҳолнинг жуда муҳимлигини таъкидламоқчиман.

Айни жиноятларни очиш ишининг яхшиланиши, жиноятчиликнинг ўсиш суръатлари жиддий равишда пасайгани ҳолда очилмай қолган жиноятлар қолдигининг камайиши бизга умидбахш бўлиш, ўз кучларимизга ишониш учун асос беради. Буларнинг ҳаммасига эса кўнгил билан, саботли иш олиб бориш орқали эришилади. Масалан, ушбу йилда объектив сабабларга кўра участка вакилларининг миқдори 516 кишига камайган бўлса-да, улар томонидан очилган жиноятлар ўтган йилдагидан 1715 та кўп бўлди.

Тўрт-беш йил олдинги вақтдагидан кўра ҳозир жиноятларни очиш ғоятда қийин. Жиноят оламида чуқур сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазиятда бозор муносабатларига ўтилиши, бу йилда пайдо бўлаётган объектив қийинчиликлар иқтисодиёт соҳасида ҳам жиноятчиликнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратаяди.

Ана шу шароитда уюшган жиноятчилик ва порахўрликка қарши кураш ҳозирги пайтда ички ишлар идоралари фаолиятининг устун йўналишларидан бирига айланган. Жорий йилда Президент И. Каримовнинг ташаббуси билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари уюшган жиноятчиликка қарши кенг миқёсда ҳужумни авж олдирилди.

Унинг баъзи натижалари ҳақида матбуотда хабар қилинди. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, милиция уюшган гуруҳлар томонидан содир этилган 3,3 мингдан ортиқ жиноятни очди, жиноятчилар муҳити етакчилардан 262 киши жиноий жавобгарликка тортилди. Жиноятчилардан 200 дан ортиқ ўқотар қурол, ҳуқуққа зид йўл билан қўлга киритилган миллионлаб сўмлик мол-моддий бойликлар ва пул мусодара қилинди.

Милиция кейинги вақтда иқтисодиёт соҳасидаги жиноий жараёнларга катта эътибор бермоқда.

ортиқча батафсилликдан ҳалос этади.

— **Зокиржон Алматович, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бошқа мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорлиги борасидаги ҳозирги ҳолатини қандай баҳолайсиз, бунинг истикболлари қандай?**

— Умуман олганда бундай ҳамкорлик бир маромда ривожланмоқда, айниқса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида у яхши йўлга қўйилган. Биз мамлакатларимиз ички ишлар идоралари ўртасидаги ўзаро фойдали

чегаралари эндигина шаклланаётган МДҲ доирасида шундай. Бир давлат ҳудудда жиноят қилган жиноятчи бир неча соатдан сўнг бемалол бошқа давлат ҳудудига ўтиб олади, уни ушлаш эса бекиес равишда мураккаб. Жиноятчилик, айниқса уюшган жиноятчилик борган сари байналмилал тус олмоқда.

Ғиёхвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланишида бу ҳол айниқса яққол кўзга ташланади. Агар 1992 йилнинг ўн икки ойи ичида Ўзбекистонга ғиёхвандлик моддаларини олиб келувчи ва бу ердан олиб кетувчи бошқа

дилар. Яқинда БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича миссияси Ўзбекистонга келди, у ўтган йили бошланган Марказий Осиё минтақасида ғиёхвандликка қарши курашга доир вазиятни ўрганишни давом эттирди, ана шу ташкилотнинг чинакам ишчи гуруҳи Тошкентда фаолият кўрсатиши режалаштирилмоқда. Ўзбекистоннинг Жиноятчиликка қарши кураш полицияси Халқаро ташкилоти — Интерполга кириши бўйича фаол тайёргарлик иши олиб борилмоқда.

Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлиқнинг хилма-хил воситаларини ўрганиш ва эгаллаш учун ҳали кўп иш қилишга тўғри келади. Шу муносабат билан таъкидламоқчи эдимки, бундай ҳамкорликни ва жаҳон миқёсида нарқобизнесга қарши курашда реал иштирокимизни кенгайтириш учун Ўзбекистон наркотик воситалар тўғрисидаги 1961 йилги Ягона конвенцияга, психотроп моддалар ҳақидаги 1971 йилги Конвенцияга ва БМТнинг наркотик моддалар ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги 1988 йилги Конвенцияга тезроқ қўшилиши зарур.

— **Зокиржон Алматович, биз касб байрамимиз арафасида суҳбатлашамиз. Милиция ходимларига қандай истакларингиз бор?**

— Куйидаги нарсаларга эътиборни қаратмоқчиман. Биз тилга олган ва вақт етишмагани учун тилга олмаган кўрсаткичлар бирдан-бир мақсад бўлиб қолмаслиги керак, балки фаолиятимизни танқидий таҳлил қилиш, эришилган натижаларга баҳо бериш учун бошлаш нукталари бўлиши керак. Пировардида халқнинг умуман милиция, ички ишлар идоралари фаолиятига берадиган баҳоси оддий кишилар азият чекадиган аниқ вазиятлардан шаклланади. Биз жабр кўрган ҳар бир фуқаронинг кулфатига қандай муносабатда бўлишимиз, унинг болалари кўчада бемалол юришини, уйдаги мол-мулкнинг сақланишини қандай таъминлашимиз ҳам жуда муҳимдир. Ҳар бир ходим ўзининг кундалик ишида аини шу нарсалар келиб чиқиши керак. Бизнинг фаолиятимизда эса ҳали камчиликлар ҳам, нуқсонлар ҳам, етишмовчиликлар ҳам оз эмас.

Ўзбекистон милициясининг барча ходимларини касб байрамлари билан табриқлайман, ишларида муваффақиятлар, ўзларига ва оила аъзоларига сийҳ-саломатлик, бахт-саодат тилайман.

Милиция подполковниги А. ТИЛЛАХУЖАЕВ суҳбатлашди.

БИЗ БАРҚАРОРЛИКНИ КЎЗЛАБ ИШЛАМОҚДАМИЗ

Шу йилнинг 9 ойи ичида милиция томонидан аниқланган иқтисодий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда 5,5 фоиз ўсди ва деярли 16,3 мингтаи ташкил этди. Ана шундай фактлар бўйича 1751 та кўп жиноий иш қўзғатилди. Йирик ва айниқса йирик миқдорларда қилинган ўғирликлар тўрт баравардан кўпроқ, порахўрлик фактлари деярли уч баравардан, қалбаки пул ясаш ҳоллари қарийб 13 баравардан кўпроқ аниқланди. Агросаноат мажмуида, ундирма саноат корхоналари, банк тизимида кўп миллионлик ўғирликларни амалга оширган уюшган гуруҳларнинг жиноий фаолиятига барҳам берилди. Ички ишлар идоралари мол-моддий бойликларни ғайриқонуний экспорт қилишнинг йўлини тўсишга ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Масалан, Давлат автоназорати ходимлари шу йилда хом ашё ва молларни республикадан ташқарига ғайриқонуний равишда олиб чиқишга уринган салкам 600 транспорт воситасини тўхтатиб қолдилар, қарийб 800 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва саноат моллари мусодара қилинди.

Ҳозирги йилда ғиёхвандлик моддаларининг ғайриқонуний равишда айланишига қарши кураш анчагина кучайди. 274 гектардаги кўкнорзорлар йўқ қилинди (ўтган йили — 202 гектар эди). 2,5 тоннадан ортиқ ғиёхвандлик моддалари мусодара қилинди, бу эса 1992 йилнинг ана шу давридагидан икки ярим баравар кўп.

Албатта, мен милиция фаолиятининг баъзи томонларинигина тилга олдим. "Постда" газетаси иш-мишининг натижаларини мунтазам еритиб бораётганлиги ҳам мени

алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга жиддий муносабатдамыз, тенг ҳуқуқли шерик сифатида иш олиб бораёلمиз ва шунини алоҳида таъкидламоқчиманки, ўз манфаатларимизни ҳимоя қила оламиз. Шу йил сентябрида Волгоградда бўлиб ўтган, ҳамкорлик тўғрисида муҳим битимлар имзоланган мустақил давлатлар ички ишлар вазирларининг Кенгашида Ўзбекистон ИИВ делегациясининг овози етарлича салмоқли янгради.

Бу ерда мен шундай фактга эътиборни жалб этмоқчиман. Собик иттифок ИИВнинг тарқибий қисми бўлмай қолган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари, аксарияти ҳали ҳал этилмаган бир талай муаммолар борлигига қарамай, жиноятчилар оламига қарши муваффақият билан мустақил кураш олиб боришга, кримноген вазиятни назорат остига олишга муваффақ бўлдилар. Айниқса ИИВ идоралари сиёсий курашга тортилган, баъзида баррикаданинг икки томонида бир-бирига қарши қурол кўтарган, натижада ўзининг асосий вазифаси — фуқароларни жиноий ҳатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишдан чалғитилган баъзи давлатлардаги вазиятга қараганда — бу ҳол жуда муҳимдир.

Берилган саволга қайтарканман, ҳамкорлик қилишга ҳаммамизни ҳаётнинг ўзи мажбур этаётганини таъкидламоқчиман. Нима бўлганига ўзингиз бир қаранг. СССРнинг таназзули натижасида ўзининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимлари бўлган бир неча янги давлатлар пайдо бўлди, собик СССР ҳудуддаги жиноий макон эса амалда бир бутун бўлиб қолаверди. Айниқса ўзаро

давлатларнинг 40 фуқароси ушланган бўлса, шу йилнинг тўққиз ойидагина ана шундай 50 ҳуқуқбузар ушланди.

Мавжуд реалликларни ҳисобга олганда халқаро нарқобизнесга қарши курашда иштирок этиш биз учун бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлиқнинг энг истикболли йўналишидир. Кейинги йилларда жаҳонда юз берган сиёсий ўзгаришлар, юзага келган вазият Ўзбекистонни Осиё китъасида ғиёхвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланишига, айниқса уларни Жануби-Гарбий ва Жануби-Шарқий Осиёдан Оврупо мамлакатларига контрабанда йўли билан олиб боришга йўл қўймаслик бўйича энг муҳим фаолият кўрсатувчи мамлакатлар қаторига киритмоқда. Президент И. Каримов ўзининг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги нутқида ана шу муаммонинг муҳим эканлигини алоҳида таъкидлади. Президентнинг нарқобизнесга қарши курашга доир биргаликда куч-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун БМТнинг Марказий Осиёдаги минтақавий комиссиясини тузиш ҳақидаги таклифи жуда муҳим ва ўз вақтида бўлди.

Шуни таъкидламоқчиманки, ана шу йўналишда муайян қадамлар қўйилди. Ушбу йилда вакилларимиз Италияда бўлиб ўтган, ғиёхвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланишига қарши кураш масалаларига бағишланган Иккинчи Конференцияда, БМТ ихтисослаштирилган ташкилотларининг ана шу мавзу бўйича Корея Республикасида ўтказилган Осиё ва Тинч океан мамлакатлари учун минтақавий кенгашида иштирок эт-

Таҳлилчиларнинг йиғилиши

Ички ишлар идораларида ишларни ташкиллаштириш, уларни таҳлил қилиб бориш катта аҳамиятга эга. Бу салбий кўрсаткичлар, уларнинг сабаблари ва орқда қолаётган участкалар, шунингдек, муаммоларни аниқлайди, асосий кучни ана шу муаммоларни ҳал этишга қаратяш лозимлигини кўрсатади. Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, ташкилий-таҳлилий бўлиш, гуруҳлар қўриқлаш бўлимларининг ишлари режалаштиришда асосий манба ҳисобланади. У кечаги ишни баҳолайди ва эртанги ишни белгилайди.

Шуларни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бирлашмаси ИИВ-ИИВ ҳузуридаги қўриқлаш бошқарма ва бўлимларида ташкилий-таҳлилий бўлиш, гуруҳлари тузиш таклифи билан чиққан эди. Таклиф республика ИИВ ва жойлардаги ички ишлар идоралари раҳбарлари томонидан қувватланди. Шунга асосан вилоятлардаги қўриқлаш бошқарма, бўлимлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлимларида шундай бўлиш ва гуруҳларнинг тузилишига кўп бўлгани йўқ. Аммо жойларда уларнинг ишлари кўзга ташланиб қолди. Тажрибада

уларнинг қўриқлаш бўлимлари хизмат ва молиявий-хўжалик фаолиятига таъсири сезилмоқда.

Ушбу гуруҳ ва бўлимлар ходимларининг малакаларини оширишга эҳтиёж сезилаётгани. Шу нарсалар ҳисобга олинган ҳолда яқинда қўриқлаш бўлимлари таҳлилчиларининг семинар-кенгаши ўтказилди. Ундан кўзланган асосий мақсад ташкилий-таҳлилий ишларнинг долзарб масалаларини қўллаш муҳокама қилиш, жойларда эришилган ижобий ютуқларни аниқлаш ва ўзлаштириш, ҳал этилмаган камчиликларга эътиборни қаратиш, таҳлилий ишлар самарадорлигини оширишнинг чора ва йўллари белгиланган иборат эди.

Семинар-кенгаши "Қўриқлаш" бирлашмасининг бошлиги, милиция полковниги Ҳ. Р. Убайдуллаев очди ва нутқ сўзлади. У бутунги кунда ушбу соҳа бўйича бирлашмада амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб, ташкилий-таҳлилий бўлимлари, гуруҳлари олдида турган асосий вазифалар, жиноятчиликка қарши кураш, давлат ва фуқаролар мулкни ҳар хил жиноий тажовузлардан ишончли ҳимоялашни таъминлаш борасида қилиниши керак бўлган ишлар



хусусида сўз юритди.

Семинарда ИИВ Штаби катта нозир, милиция подполковниги Н. Столбов иштирок этиб, ички ишлар идоралари оператив-хизмат фаолиятини таҳлил қилишнинг услуб ва йўллари хусусида маъруза қилди.

Бундан ташқари бирлашманинг ташкилий-таҳлилий бўлими раҳбарлари, ходимлари ҳам бу ишнинг асосий йўналишлари бўйича маърузалар қилдилар.

Семинар жуда қизиқарли ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Йиғилганлар ўз ютуқ ва камчиликлари хусусида сўзлашди, тажриба алмашишди. Бундай машғулотларни тез-тез ўтказиб туриш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

И. ШОМУРОВОДОВ.

ХАЛҚ БИЛАН БИРГА

Содир этилаётган жиноятлар таҳлиliga назар солсак, уларнинг ичида энг кўпини фуқароларнинг шахсий мулкларини ўғирлаш ташкил этади. Бунинг сабабларидан бири баъзи хонадон эгалари ўз уйларини қаровсиз, қўлфламасдан очик қолдираётганликларидадир. Бу эса айрим ўғирларга жуда қўл келмоқда. Имкониятдан "унумли" фойдаланган ўғирлар фуқароларнинг қимматбаҳо буюмларини гумдон қилмоқдалар. Зеро, халқимизда "ўзингни эҳтиёт қил, қўшингни ўғри тутма", деган нақл ҳам бор.

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида Янгийўл тумани ИИБда 131 та ўғирлик рўйхатга олинган бўлиб, улардан 108 тасини фуқароларнинг шахсий мулкни ўғирлаш ташкил қилади. 108 танинг 40 таси хонадонларда содир этилган бўлса, 45 таси мол ўғирликлари билан боғлиқдир.

Жиноятларнинг содир этилишига йўл қўйгандан кўра, албатта унинг олдини олган афзал. Аммо, жиноятни олдини олиш бу

шунчаки оддий нарса эмас ва бу борада фақат ички ишлар ходимларининг кучи билан ижобий натижаларга эришиш қийин.

Бунинг учун жамоатчиликнинг фаол иштироки зарур. Биз кейинги пайтларда бунга эътиборни кучайтирдик. Яъни, ҳар бир аҳоли яшайдиган манзилгоҳларда тунги навбатчиликлар ташкил этилмиш, кўп қаватли уйларда нафақадор шахслар билан алоқа ўрнатдик. Оқибатда содир бўлаётган ҳар бир кўнгилсизликлар, ҳуқуқбузарликлар, айниқса, ўғирликлар билан боғлиқ бўлган хабарлар вақтида ИИБга етказилмоқда.

Уйлайманки, бўлишимиз ходимлари йил якунигача, халқ билан бирга яқин алоқа юритиб ўғирликларнинг олдини олиш борасида яхши натижаларга эришадилар.

А. БУЛАКБОВЕВ, Янгийўл тумани ИИБ бошлиги ўринбосари, милиция подполковниги.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ички ишлар Вазирлиги томонидан тасдиқланган режага мувофиқ 15 октябрдан 25 октябрга қадар республиканинг темир йўл ва ҳаво нақлиёти объектларида «Вокзал-93» деб номланган кенг қамровли тезкор-профилактик тадбир ўтказилди.

Уни ўтказишдан мақсад темир йўл ва ҳаво нақлиёти объектларида, вокзалларда ва йўловчи ташиладиган ҳамда шахар атрофига қатнайдиغان поездларда тегишлича жамоат тартиби бўлишини, йўловчиларнинг ҳаёти ва мол-мулки хавфсизлигини таъминлашдан иборат деб белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасига МДХ мамлакатларидан жиноятчи ва жамиятга зид бошқа унсурларнинг кириб келишига йўл қўймаслик, қурол-яроғ, ўқ-дори, портловчи моддалар, гиёҳвандлик моддалари ва бошқа тақиқланган нарсалар ташилиши фактларини аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш вазифаси ҳам қўйилди.

Республиканинг истеъмол бозорини химоя қилиш учун яқин хориждан 1961-1992 йилларда чиқарилган пуллар оқиб келишининг олдини олиш, уларга мол-моддий бойликлар харид қилиниб, республикадан ташқарига олиб кетилишига йўл қўймаслик вазифаси қўйилди.

Бу вазифани бажариш учун Нақлиёт ички ишлар бошқармаси барча хизматларининг ходимлари ва темир йўлдаги ички ишлар бўлимларининг шахсий таркиби сафарбар қилинди. Шунингдек ҳудудий ички ишлар идоралари ходимлари ва темир йўл нақлиётининг жамоат тузилмалари бунга жалб этилди.

Тадбирни ўтказиш пайтида турли ҳуқуқ бузишлар ва жиноятлар содир этилгани учун 5214 киши ушланди. Йўловчиларни ташиниш борасида рўйхатга олинган 48 жиноятнинг ҳаммаси тезда очиб ташланди. Жами 22 килограмм 701 грамм бўлган гиёҳвандлик моддаларини сақлаш ва ташинишнинг 32 факти аниқланди.

«ВОКЗАЛ - 93»

тадбирининг натижалари тўғрисида

Қидирувда бўлган 12 киши аниқланди ва қўлга олинди, темир йўл нақлиёти орқали республика ҳудудига киришга уринган жиноятчи ва жамиятга қарши бошқа унсурларнинг ҳаракатларига зарба берилди.

Тадбир давомида дайдиликда шубҳаланган қарийб минг киши милиция идораларига келтирилди, улардан 148 киши тақсимлагич-қабулхонага юборилди. Майда безорилик ҳаракатлари учун 138 киши ва маст ҳолда жамоат жойларида юргани ҳамда спиртли ичимликлар ичгани учун 867 киши ушланди.

Шахсий мол-мулкни ўғирлашнинг 5 факти, икки талончилик, қароқчилик ҳужум ва илгари содир этилган қотиллик аниқланди.

Нақлиёт милицияси ходимларининг тезкорлик маҳорати ва ҳушёрлиги туфайли яқин хориждан 1961-1992 йилларда чиқарилган жами 275 миллион сўмни олиб келишнинг 156 факти маълум бўлди. Шунингдек, республикадан ташқарига 60 миллион сўмлик мол-моддий бойликларни олиб кетишнинг олди олинди.

Ана шу кизгин кунларда юз берган воқеалардан баъзи бири мисолларни келтирамиз.

Самарқанд бекати темир йўл ички ишлар бўлимининг навбатчи қисмига уч фуқаро ариза билан мурожаат қилиб, Тошкент-Душанба поездида кетаётганларида Жиззах-Булунгур ораларида уларга уч нафар номаълум киши ўқотар қурол билан таҳдид қилиб, жами салкам 177 минг сўмлик пул ва устки кийимларни тортиб олганлигини хабар этганлар.

Кўп ўтмай ана шу жиноятни содир қилишда шубҳаланиб, Тожикистон Республикасидаги Қўргонтепада яшовчи ички ишлар ходимлари Самиг А. ва Нури Р., шунингдек Вахш туманида истиқомат қилувчи Эшонкул Х. ушланди. Самиг Адан 1925 йилда ишланган тўппонча, жанговар патрон ва питра солинган икки патрон мусодара қилинди.

Тошкент аэропортида 4997-рейс билан Минводи шахрига учётган самолёт юкхонасини текшириш чоғида йўловчилардан термизлик Сергей Бдан 5700 грамм афюн топилди ва мусодара қилинди. Афюнни у Чечен Республикаси фуқароси Мухтор Адан сотиб олган экан.

Қарши бекати темир йўл ИИБга Тошкент-Душанба йўналишида кетаётган 924-поезд бошлиғидан бир гуруҳ шахслар безорилик, йўловчилар ва поезд ходимларига нисбатан шилқимлик қилаётганликлари ҳақида хабар келиб тушди. Милиция ходимлари кўрган чора туфайли ҳуқуқбузарлик ҳаракатларига барҳам беришга муваффақ бўлинди. Бироқ вагондан чиқарилган безорилар тош отиб, вагон ойнасини синдирдилар, йўловчилардан бирига жароҳат етказдилар. Безорилар қўлга олинди.

Тошкент аэропортида Маридан самолёт келгач, темир йўл ИИБ ходимлари томонидан байрамалилик Ҳасан И. ва Исмаил Злар ушланди. Улардан бири Ўзбекистонга 1961-1992 йилларда чиқарилган 14 миллион ва иккинчиси 10 миллион 700 сўм пул олиб келаётган эди.

Тошкентнинг Шимолий шохбекатида Тошкент-Новосибирск поездини текшириш чоғида толдиқўргонлик Игорь Б. ушланди, у қўй терисидан тикилган, жами 2 миллион сўм турадиган 4 пўстинни олиб кетишга уринган эди.

Олот бекатида Самарқанд-Москва поездини текшириш чоғида бухоролик Икром Х. ва Амир Нлар ушланди, улардан 3 миллион сўм турадиган 211 комплект чойшаб ва ёстик жилдлари мусодара қилинди. Улар Сочига кетаётган эдилар.

Нақлиёт ички ишлар бошқармасининг ходимлари ўз фаолиятлари билан ҳуқуқбузарларнинг йўлига мустаҳкам тўсиқ қўймоқдалар.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

КЕНГ ҚАМРОВДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида ўтказилган навбатдаги «Маърифат дарси» иштирокчилари учун 9 октябрь куни халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг сессиясида Президентимиз И. Каримов қилган маърузанинг лентига ёзиб олинган видеотасвири намойиш этилди. Бу тадбирга вилоятдаги барча шахар ва туман ички ишлар бўлимларининг бошлиқлари таклиф этилдилар.

Юртбошимиз тилга олган камчиликлар, айниқса, раҳбар ходимларнинг масъулиятсизлиги тўғрисидаги фикрлар йиғилганларни ҳаяжонга солди.

Сирдарё вилоятидаги айрим ходимларда ташкилотчилик, жонбозлик, ишбилармонлик, айниқса, зукколик етишмаётганлиги ўлкамиз иқтисодиётига, равнақида жиддий зиён етказётгани мунозарарада сўзга чиққан маърузачилар чиқишларининг асосий мавзусига айланди.

Минбарга кўтарилган бошқарма бошлиғининг ўринбосари Олимжон Жалилов, Бахтиёр Ҳақимов, Шокир Икромовлар, Давлат автонazorати бошқармаси бошлиғи Саъдулла Азаматов, иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси бошлиғи Миродилла Мирвоқулов, тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Мамадиёр Усмонов, Ўртачирчиқ, Оққўрғон ва Янгийўл туманлари ички ишлар бўлимлари бошлиқлари Абдукарим Йўлбарисов, Эркин Абдуллаев ва Азиз Акрамовлар юртбошимизнинг маърузасида айтилган барча танқидлардан ҳар бир ходим ўзига ҳулоса — чиқариб олиши кераклигини таъкидладилар. Милициянинг барча қўйи бўғинларида «Маърифат дарслари» ўтказиб Президент нутқидан келиб чиққан ҳолда

ишларни режалаштиришга келишиб олинди.

Шундан сўнг тўққиз ой ичида қилинган ишлар таҳлил этилди.

Ўтган 9 ой мобайнида вилоят ҳудудида жиноятчиликнинг олдини олиш учун барча имкониятлар ишга солинди. Шу боис баъзи жиноятлар, жумладан, босқинчилик, давлат мулкни ўғирлаш камайди. Жамоат жойларида содир бўлаётган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,6 фоизга, жумладан, кўчалардаги жиноятлар сони 2,7 фоизга қисқарди. Маст ҳолатда содир этилган жиноятлар сони 5,4 фоизга камайди. Жазодан қочиб юрган жиноятчиларни ушлаш 75,1 фоизга ва бедарак йўқолганларни аниқлаш 74,3 фоизга яқшиланди.

Гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш ишлари жонлантирилди. Жиноятчилардан тўққиз ой мобайнида жами 125 кило гиёҳвандлик моддалари мусодара қилинди. Қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик ўсимликлари экиб ўстираётган 300 дан ортиқ фуқаролар «Қорадори-93» тадбири даврида аниқланиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари аҳоли ўртасида кенг муҳокама қилиниб, изза қилинди, айримлари устидан эса жиноий ишлар кўзгатилди.

Жиноятларни очиш кўрсаткичлари ҳам тўққиз ой мобайнида аввалги йилдагига нисбатан салкам 3 фоизга ўсди. Президентимизнинг шу йил бошидаги даъватига лаббай деб жавоб берган ички ишлар ходимлари уюшган жиноий гуруҳларни, жиноятчилар ўртасида обрўманд шахсларни, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистондаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда фом этиб,

уларни жиноий жавобгарликка тортидилар. Улардан 60 донна жанговар ўқотар қуроллар, 2,5 кило олтин, кумуш, кўп миллион сўмлик бойликлар мусодара қилинди.

Ходимлар мафкурасини оширишга ҳам эътибор қучайтирилди. Мана, бир неча йилдирки, «Маърифат дарслари» ўтказилиб турибди. Уларда алломамаларимиздан Баҳовуддин Нақшбанд, Амир Темур ҳаёти ва замонасига оид қизиқарли суҳбатлар ўтказилди. Уларга таниқли олимлардан Акмал Саидов, Садир Салимов, Ориф Усмонов, Ашраф Аҳмедов, Абдулла Исмоилов, Наим Каримовлар таклиф этилди. Таниқли киноижодкорлардан Шухрат Аббосов, Мелис Абзалов, Ҳусан Шарипов, Бахтиёр Ихтиёровлар билан ўтказилган учрашув салкам ўн йил аввал суратга олинди, экранга чиқариш ман этилган, бироқ мустақиллик туфайли экранга чиқарилган «Олтин девор» кинофильми муҳокамасига бағишланди.

Дарс пайтида бошқарма бошлиғи, милиция генерал-майори Носир Аҳатович Исмоилов Президентимиз нутқининг ҳар бир ходим томонидан чўқур ўрганиб чиқишни таъминлаш, унда баён этилган вазифалар асосида иш режалари ишлаб чиқиш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришни тавсия этди.

Дарсда тўққиз ой ичида энг яхши кўрсаткичга эришган Ўртачирчиқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Абдукарим Йўлбарисов олиб бораётган иш услуби ўрнат қилиб кўрсатилди ва унинг иш тажрибасидан ўрганиш тавсия этилди.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
милиция подполковниги.

«Маърифат дарси» учун қўлланмалар

ТОШКЕНТ вилояти ИИБ шахсий таркибини ижтимоий ва ҳуқуқий химоялаш бўлими томонидан маърифат дарсларини сифатли, қизиқарли ва маълум йўналишларни тўла-тўқис акс эттирган ҳолда ўтказишга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Яқинда бўлим ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг давримиз муаммолари, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўл-йўриқ ва қоидалари, шунингдек, ҳозирги кунларда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар аниқ кўрсатиб берилган рисоалари асосида содда ва тушунарли тилда қисқа қўлланмалар тайёрланиб чоп этилди.

Шахсий таркиб бу қўлланмалар билан танишар экан, Президентнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон келажиги буюк давлат» қаби рисоалардан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий давлат қуриш, кадрлар сиёсати ва Ўзбекистоннинг давлат тузилишидаги бешта ҳал қилувчи принциплар ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилади.

«Мустақил Ўзбекистон ҳуқуқий давлат қуриш йўлида», «Кадрлар сиёсати—асосий омил» ва «Адолатли демократик мамлакатнинг асосий принциплари» деб номланган мазкур қўлланмаларда халқнинг ижтимоий муҳофазаси, бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, жиноятга қарши курашнинг бориши ва бошқа актуал масалалар тўғрисида ҳам батафсил фикр юритилган. Бу қўлланмалар билан танишиб чиқсангиз, янада мукамал тасаввурга эга бўлиш мумкин.

УЧРАШУВ

Тахририят жамоаси олдида турган вазифалар ҳақида, материалларнинг долзарб тусда бўлиши, республика ички ишлар идоралари фаолиятининг самарадорлигини оширишга ёрдам бериши учун ички ишлар идоралари билан янада яқиндан ҳамкорлик қилиш зарурлиги тўғрисида гапирди.

Милиция ҳаётидан бир қанча асарлар ёзган, яқинда нашр этилган китобнинг муаллифи А.

Исмоилов ўзининг ижодий йўли ҳақида ҳикоя қилди. У ички ишлар идоралари ходимларини — юксак ахлоқий сифатлар эгаси, касбий ва интеллектуал даражаси юқори бўлган, юзага келадиган ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, маънавий жиҳатдан пок, ўз хизмат бурчига содиқ бўлиб қоладиган кишиларни ўз асарларига қаҳрамон қилиб олган.

Учрашув давомида меҳмонларга бир қанча саволлар берилиб, уларга батафсил жавоб олинди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

ДУШАНБА

8 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ўйин", "Сеними, шошмай тур!". Болалар учун фильмлар. 18.25 "Ёшлик" студияси. "Уста". 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 Эстрада концерти. 20.00 "Гуллар юртининг дурдоналари". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Мерос". Мухаммад Шайбонийхон. 21.50 "Зўр ўтирибмиз". Бадий фильм. 23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Шамол, елкан ва биз". Телефильм. 19.30 "Бизнинг суҳбат". 20.00 "Билиб қўйган яхши". 20.20 "Миришкорлар". 20.50 "Хамшира-93". 21.20 "Ўтмишсиз келажак йўқ". 21.50 "Ассалому алайкум".

"ОРБИТА IV"

6.45, 8.40, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.50 Мультфильм. 6.55 "Рухни чиқариш". 7.55 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви. 8.45 "Ох, гармонь янграпти...". 9.15 "Золушка хузурида зиефатда". 10.15 "Полигон". 10.45 "Лидия Русланова". Хужжатли фильм премьераси. 2-серия. 11.50 "Кахрабача-93". 12.30 "Халқ сайлаган кишилар". 13.00 Бокс бўйича профессионаллар ўртасида жаҳон чемпиони номзодлиги учун матч-реванш. Оғир вазн. Риддик Боуи—Эвандер Холифилд. АКШдан кўрсатилади. 14.00 "Ихтилоф". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия. 15.00 Янгилар. 15.25 "Пеппи — Узун пайпоқ". Болалар учун кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 8-серия. 15.55 "Гол". 16.25 "Пул ва сиесат". 16.55 "Бахтли тасодиф". 17.55 "Мосфильм"нинг 70 йиллигига. "Икки кишилик вокзал". Бадий фильм. 1-серия. 19.20 "Хеч нарсга ҳақида репортаж. 19.35 Икки кишилик вокзал". Бадий фильм. 2-серия. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёлонлар. 21.00 Янгилар. 21.25 "Аншлак. Аншлак". 22.05 "Спорт уик-энди". "Янги студия" таништилади. 22.20 "Биз". Владимир Познернинг муаллифлик кўрсатуви. 23.05 "Таржимаи ҳол". 23.35 "Бомонд". 23.50 "АТВ-брокер". 24.00 "Джем-сейши". 00.50 "Мен". 00.55 "ТВ-Х". 01.05 "ТВ-галерея". Танаффус пайтида (00.10) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари. 9.25 "Рост" студияси. "Таклинома". 9.55 "Здоровье". 10.25 "Кутқариш хизмати 911". 11.20 "Фольклор". 11.50 Кипрас Мажейка. Жанубий Африкадан репортажлар. 12.20 "Хроно". Авто ва мотоцикл олимпиада. 12.50 "Рус фожиаси". Хужжатли фильм. 3-қисм. 13.45 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.05 Биз севган комедиялар. "Олтин бузқочча". Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 17.00 Россия телевизион театри К.Занусси. "Аелларнинг ўйинлари".

18.00—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 К. Занусси. "Аелларнинг ўйинлари". Спектаклнинг давоми. 20.55 "Олтин Остан". 21.00 Душанба куни детектив. "Лаки страйк" таништилади. "Мукаддима". Бадий фильм. "Криминал ходисалар" сериалидан.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.35 "Формула-1" Автопойга бўйича жаҳон чемпионати. Австралия Гран-приси.

СЕШАНБА

9 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00

ЗАНГОРИ
ЭКРАНДА

"Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Лирик концерт. 7.50 "Нурланнинг бахти". Мультфильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.15 "Қувноқ болалар". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 "Коинот гражданилари". Бадий фильм.

10.10 "Ёшлик" студияси. "Истеъдодларни излаймиз".

15.55 Кўрсатувлар тартиби. 16.00 Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги. Финал. Танаффус пайтида — "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 17.50 Болалар учун. "Қўғирчоқлар — менинг дўстларим". 18.25 "Ёшлик" студияси. "Қарс икки қўлдан...". 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 Мухтор Ашрафий номдаги Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти. 20.00 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.10 "Санъат усталари". Ўзбекистон халқ артисти Ганижон Тошматов таваллудининг 80 йиллигига. 22.10 "Барча постлар диққатига". Бадий фильм. 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Уолт Дисней таништилади...". Мультфильмлар тўплами. 20.10 "Халқ саломатиги йўлида". 21.10 Дам олиш соатларида. "ОМАН" таништилади. 21.30 Ёлонлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Тингланг, томоша қилинг...". 9.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.35 "Инсон ва қонун". 11.05 Мультфильмлар. 11.30 "Россия торлари". Рус халқ чолғулари оркестрлари ва ансамблларининг халқаро фестивали. 12.00 Янгилар. Кундузги киноэкспресс. 12.20 "Сукунат". Телевизион бадий фильм. 1-серия. 13.25 "Аразанда". Телевизион бадий фильм. 1-серия. 14.30 Мультфильм.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Ишбилармон кишилар хабарномаси". 15.40 "Адам Смит бойлиги дунёси". 16.10 "Иш". 16.20 "Ён дафтар". 16.25 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 16.50 "Объективда — жониворлар". Илмий-оммабоп фильм премьераси. 17.10 "Иккиболи кулганда". 17.50 "Технодром". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Россия сайловининг акс садои". 18.50 "Хужжатлар ва тақдирлар". 19.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.55 "Мавзу". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёлонлар. 21.00 Янгилар. 21.25 "Санъаткор палитраси". И. Кобзон қуйлайди. 21.55 "Саянда қиш". Телефильм. 22.05 "Хотирлашлари учун...". Л. Филатовнинг муаллифлик кўрсатуви. 1-боб — "Инна Гулая". 23.30 Телевизион кўрсатувлар ва фильмлар XI халқаро фестивалининг епилиши. Танаффус пайтида (24.00) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Мутлақо махфий".

12.00 Хонаки экран. "Ўзгалар ичида ўзимизнинг одам". Бадий фильм. 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.00

"Телегазета". 14.10 Теннис. "Кремль кубоги". 14.55 "Жонли сўзлар жозибаси". 15.25 Рязань томошалари. А. Попеску. "Қуёш шуъласи". Қўғирчоқ спектакль. 16.00 "Болалик пайтларимизда". 16.30 Болалар учун янгилар. 16.45 "Рост" студияси. "Кенгуру". 17.15 "Трансроссфир".

18.00—20.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.10 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 241-серия. 21.00 "Асил ҳолича".

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.30 "Аз" есмь. "Амалдорлар қаерда ўсади?". 23.15 "Композитор Геннадий Баншчиков". 23.40 "Петербург воқеалари". А. Блок.

ЧОРШАНБА

10 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Қўшиқ рахсга уланса". Концерт. 7.50 "Болалик чоғларимдан". Мультфильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 "Билиб қўйган яхши". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 "Эл ардоқлаган артист. Бадий фильм. 10.30 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ёшлик" студияси. "Меҳнатим — элга манзур". 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги намунали оркестри концерти. 19.45 "Адолат қалқони". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Хорманг, пахтакорлар!". Мусикий кўрсатув. 22.00 Шукур Холмирзаев. "Қадимда бўлган экан". Видеофильм. 23.15 Бокс. С. Жаксон хотирасига бағишланган халқаро турнирнинг очилиши. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Кичик саҳнат". 19.50 "Шарк лирикаси". Бобо Тохир. 20.15 "Спринт". 20.40 "02" тўлкинида. 20.55 "Шаҳар юмушлари".

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Ҳакка". Болалар учун ахборот кўрсатуви. 9.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.30 "Савдо кўприги". 11.00 "Рок-сабоқ". 11.40 Мультфильм. 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс. 12.20 "Сукунат". Телевизион бадий фильм. 2-серия. 13.25 "Аразанда". Телевизион бадий фильм. 2-серия. 14.30 Мультфильм.

14.40 Эстрададур вилоятининг рақслари (Испания). 15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемикст". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 16.40 "Ку-ка-ре-ку". Северодвинскда ҳажвиячилар танлови. 17.05 "Қизлар ўртасидаги сир". 17.25 "Парвоздаги уй". Кўп серияли мультфильм премьераси. 17.50 "Технодром". 18.00 Янгилар

(сурдо таржимаси билан). 18.25 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 18.50 "Хужжатлар ва тақдирлар". 19.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.55 Ёлонлар. 20.00 "Бу менинг олашим...". Михаил Яншин. 20.50 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Участковой, ким қотил?". Телевизион бадий фильм премьераси. "Худуд" туркумидан. Танаффус пайтида (22.45) — "Миниатюра". 24.00 Янгилар. 00.40 Футбол. Россия чемпионати. "Динамо" (Москва) — "Ростсельмаш" (Ростов-Дон). 2-тайм. "Динамо" Марказий стадионидан кўрсатилади. 01.30 "Парадиз-коктейль". 02.25 "Матбуот-экспресс".

ТЕЛЕТОМОШАНИЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан чоршанба, 10 ноябрь куни "Дубль IV" кўрсатувлари соат 14.20 дан бошлаб намойиш этилади.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.20 Кундузги сеанс. "Янги асрининг бошланиши". Бадий фильм. 15.30 "Трансроссфир". 16.15 "Бола тилидан". 16.45 Болалар учун янгилар. 17.00 "Рост" студияси. "Куни узайтирилган гуруҳ". 17.30 "Арафа".

18.00—20.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.25 "Ностальжи" — барча авдлар мусиқаси. 21.00 Милиция кунга бағишланган концерт.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Милиция кунга бағишланган концерт (давоми). 24.00 "Осойишталик №9". 01.00 Криминал хабарлар экрани.

ПАЙШАНБА

11 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Кекса санъаткорлар". 7.50 "Алданган алдоқчилар". Мультфильм. 8.00 "Қувноқ болалар". 8.15 "Қалб садолари". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида). 9.10 "Бувам, Клиан ва мен". Бадий фильм. 10.30 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 10.45 "Она юртим — мангу қўшигим". Адабий-мусикий композиция.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Кичкинтой" студияси. "Табиат алифбоси". 18.35 "Янги китоблар". 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 "Жиноят жазосиз қолмайди". Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ходимларининг Яккасарой тумани маҳалла аҳли билан учрашуви. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.10 "Санъат усталари". Сойиб Хўжаев. 22.10 "Фасли ези". "Ўзбектелефильм" премьераси. 22.20 Хайриддин Султонов "Чангақ". Видеофильм. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Болалар учун. "Табассум". 20.00 "Пульс". Хабарлар. 20.15 "Тошкент оқшомлари". 21.15 "Пульс". Хабарлар.

"ОМАН" таништилади. 21.30 Ёлонлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Кидди-Видди". 9.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.30 "Ҳайвонот оламида" (сурдо таржимаси билан). 11.10 "...16 ешгача ва ундан катталар". 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар. Кундузги киноэкспресс 12.20 "Севги

кечирмайди". Телевизион бадий фильм. 13.25 Ф. Достоевский. "Степанчиково қишлоғи ва унинг аҳолиси". М. Горький номдаги Москва Бадий академик театрининг фильм-спектакли. 1-қисм. 14.50 Мультфильм.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемикст". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 16.40 "Рок-сабоқ". 17.20 "...16 ешгача ва ундан катталар". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Таз фонари шуъласида". Телефильм премьераси ("Экран"). 18.55 "Хужжатлар ва тақдирлар". 19.05 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.55 "Ҳокимият хузурида меҳмонда". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёлонлар. 21.00 Янгилар. 21.25 "Твин Пикс". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 22.25 "Матбуот-экспресс". 22.35 "1993 йил қўшиқлари". 23.45 Катталар учун мультфильмлар. 24.00 Янгилар. 00.40 "Талаб қилинган кино". 01.20 "MTV".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Кетдик". 9.10 "Тилла шпора". 9.40 Тонгги концерт. 9.55 "К-2" таништилади: "Бизникиларни билиб қўй". 10.50 Теннис. "Кремль кубоги". 11.50 Хонаки экран. "Най учун ёзилган қўхна қуйлар". Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 14.00 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.25 "Кутқариш хизмати 911". 15.20 "Мегаполис". 15.50 "Трансроссфир". 16.35 Болалар учун янгилар. 16.50 "Рост" студияси. "Биринчи тайм". "Космос сабоқлари". 17.20 Мультфильм. 17.30 "Россияни қандай эпақага келтириш мумкин?".

18.00 — 20.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 242-серия. 21.10 "Биринчи ва охириги маслаҳат". 21.25 "Ўз-ўзига режиссёр".

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.35 Ватаним менинг. "Уруш хотин-қизлар иши эмас". 23.30 Криминал хабарлар экрани. 23.45 "Петербург романи". Кинорежиссёр А. Сидельников хотирасига.

ЖУМА

12 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Мухаббат наволари". Концерт. 7.50 "Хўжа Насриддин". Мультфильм. 1-фильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 "Сато". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...". 9.00 "Кексерик". Бадий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Ўзгармас электр токи ва унинг қонуни. 11.00 "Ёшлар хиром айлаганда". Фильм-концерт. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. Илдиэ ўсимликларнинг асосий органи. 12.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Илҳом дақиқалари". Икром Отамуродов. 18.30 "Қиш тараддуди". 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 "Одобнома". 20.00 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Санъат усталари". Ўзбекистон халқ ҳофизы Мухаммаджон Каримов. 22.00 "Мерос". Аҳмад Ясавий. 22.50 "Танг кизи". Бадий фильм. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Сабзавоткорлар хизмати". 19.50 "Ўзбекистон спорти"

(рус тилида). 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Қанотлар парвози. Бадий фильм.

«ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 Мультфильм. 9.35 Болалар учун фильм. "Гарбузандаги мўъжиза". 11.00 "Киносаёхатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар. 12.20 "Америка М. Таратута билан".

Театр шинавандалари, Сизлар учун!

12.50 Ф. Достоевский. "Степанчиково қишлоғи ва унинг аҳолиси". М. Горький номидаги Москва Бадий академик театрининг фильм-спектакли. 2-қисм.

14.00 Мультфильм. 14.10 "Хамманинг тирик қолишини истардик". Телефильм премьераси. 15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Бридж". 15.50 "Бизнес-класс". 16.05 Болалар учун фильм. "Гарбузандаги мўъжиза". 17.30 "Столица" журналининг байрами. 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.20 "Хар бир киши учун имконият". Хамдўстлик мамлакатларидаги хусусийлаштириш муаммолари. 18.45 "Инсон ва қонун". 19.15 "Америка М. Таратута билан". 19.45 "Мўъжизалар майдони". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилар. 21.25 "Хафтанинг машхур киши". 21.45 "Твин Пикс". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия. 22.45 "Матбуот-экспресс".

ВИД таништиради: 23.00 "Музобоз". 23.45 "Х" программаси. 00.40 "Сисей бюро". 01.20 "Авто-шоу". 01.50 "Хит-конвейер". Танаффус пайтида (24.00) — Янгилар.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Кетдик". 9.10 Ватаним менинг. "Уруш хотин-қизлар иши эмас". 10.05 Тонгги концерт. 10.20 "Оқ қарға". 11.05 "Видеоальбом". М. П. Мусоргский номи академик опера ва балет театри балет труппасининг юбилейига. 11.35 "Параллеллар". 11.50 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 242-серия. 12.40 Теннис. "Кремль Кубоги". 13.30 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.50 "Сўнган юлдузми?". 14.20 "Пилигрим". Россия саёхатлар бюроси. 15.05 "Ностальжи" — барча авлодлар мусикаси. 15.35 Жума кунлари Дисней. "Ўзликлар кўрфазлик бола". Бадий фильм. 16.25 Болалар учун янгилар. 16.40 Мультфильм. 17.00 "Ноу-хау". 17.30 "Арафа".

18.00—19.45

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.45 "Беш оқшом". Бадий фильм. 21.20 Стас Намин маркази (Эс-Эн-Си) таништиради: "Сарик сувости кемаси" клуби. 21.50 Спорт кўрсатуви.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.30 "К-2" таништиради: "Абзац". "Диафрагмага бўса". 23.55 "Сафсаталар". 00.25 "Кечки салон".

ШАНБА

13 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз..." 7.00 "Ўзбекистон ахбороти. 7.30 "Дилга яқин қўшиқлар". Концерт. 7.50 "Хўжа Насриддин". Мультфильм. 2-фильм. 8.00 "Мутахассис маслаҳати. 8.10 Дуне воқеалари. 8.20 Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз..." 9.00 Республика газетларининг шарҳи. 9.10 Турк тили. 9.40 "Ёз ҳикоялари". Бадий фильм. 11.00 Болалар учун. "Гўзаллик гулшани". 11.30 Француз тили. 12.00 "Бу турфа олам..." 12.35 "Театр оламида". "Нага Мандля". Хиндистон — Панжоб театрининг спектакли. 14.40 "Она днер". 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Олтин куз қўшиқлари. 18.30 "Фан

уфклари". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Ёшлик" студияси. "Зие". 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Яхшилар етсин муродга..." Ўзбекистон халқ артисти Гуломжон Ёқубов. 21.40 Бокс. С. Жаксон хотирасига бағишланган халқаро турнир. Ярим финал. 22.30 "Тунги ёғду". Дам олиш кинопрограммаси.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Бувимнинг сандиғи" Мультфильм. 19.30 "Йўл интизомни ёқтиради". 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Ёнғил қадам". Бадий фильм.

«ОРБИТА IV»

6.50 Эрталабки гимнастика. 7.00 "Матбуот-экспресс". 7.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.55 Янгилар. 8.30 "Спорт-имконият". 9.00 "Марафон-15" таништиради.

9.30 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 10.55 "Авиакосмик салон". 11.10 "Соло". 11.30 "Мулқдор алифбоси". 11.40 "Мусликий дўкон". 12.10 "Хукумат кишилари". 12.25 "Китобхона". 13.05 "Ихтилоф". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4 ва 5-сериялар. 15.00 Янгилар. 15.20 В. Готовцева дўстларини тақдир этди.

16.20 "Пеппи — Узун пайпоқ". Болалар учун кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9-серия.

16.45 "Пул ва сиеат". 17.15 "Қизил квадрат". 18.00 "Спорт ва санъат". "Тольф-клуб"да лапландия. 19.05 "Бир боқишда муҳаббат". 19.45 "Колабня пикчерс" таништиради: "Стингрей". Кўп серияли телевизион бадий фильм.

4-серия. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилар. 21.20 "Колабня пикчерс" таништиради: "Космик овчи". Бадий фильм (Канада). 23.05 "Резонанс" студияси таништиради. 23.25 Хоккей. ХХЛ чемпионати. "Крилья Советов" — МАСК. 3-давр. "Крилья Советов". Спорт саройидан кўрсатилади. 00.05 Янгилар. 00.40 Пол Маккартни куйлайди. 02.55 "Матбуот-экспресс".

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 "730-формула". 8.55 "Рост" студияси. "Биринчи тайм". "Бизнинг "Аралаш". 9.25 "Ҳали англамаган коинот". 9.55 "Пилигрим". Россия саёхатлар бюроси. 10.40 "Кузирхоним".

11.10 — 14.20

ЎЗБЕКИСТОН

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

11.10 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 11.20 "Ўзбекистон — Англия: ҳамкорлик қирралари". 11.40 "Жаҳон ва биз". 12.00 "Америка. Ўтмишга ва келажакка назар". 12.30 "Безнен мирас" (татар тилида). 13.00 "Рангинкамон" (тожик тилида). 13.35 "Таниш номлар". Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Онкология ва радиология илмий-тадқиқот институти директори Н. К. Муродхўжаев ҳақида телеочерк. 14.05 "Бу ажиб дуне".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.20 "Чегарасиз футбол". 15.15 "Амика веритас". 16.20 Теннис. "Кремль кубоги". Ярим финал. 17.05 Россия Федерацияси Олий суди залидан.

17.20 — 18.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.20 "Уинстон Черчилль. Чўққига йўл". Кўп серияли бадий фильм премьераси. 7-серия. 19.20 "Фильмлар премьераси". 19.35 "Хар бир кун байрам". 19.45 "Бола тилидан". 20.15 "Жаҳоннинг машхур цирклари". 21.15 "Квадрат илдиз остидаги чақа-танга". 21.45 "Репортёр". 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 "Қюша хузурида". 22.55 "Маски-шоу". 23.30 "Балетнинг сеҳрли олами". 00.25 "Тўлиной".

ЯҚШАНБА

14 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ассалому алайкум". 8.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 8.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Хиндистон). 40 — 41-сериялар. 10.00 "Тонгги салом". 10.35 Хинд тили. 11.05 "Қувнок стартлар". Жиззах вилояти мактаб

ўқувчиларининг финал мусобақалари. 12.05 "Саҳоват". 12.25 "Алифбо сабоқлари". 12.55 "Цирк! Цирк! Цирк!" 13.45 "Ёшлик" студияси. "Ватанпарвар". 14.40 Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти театри яққохонлари Н. Ўрунов ва Р. Юнусова концерти. 18.00 "Қойилмақом Гоша". Мультфильм. 18.15 "Кичкинтой" студияси. "Қўнғироқча". 18.45 "Ойнаи жаҳонда". 19.00 "Хафтанома" (рус тилида). 19.30 "Номаълум Бухоро". Телефильм. 19.50 "Буюк муҳаддис". Ал-Бухорий. 20.30 "Хафтанома". 21.10 "Хорманг, пахтакорлар!". Мусликий кўрсатув. 22.05 Эълонлар. 22.10 Бокс. С. Жаксон хотирасига бағишланган халқаро турнир. Финал.

ЎЗТВ II

«ОМАН» таништиради:

17.00 "Мультфейерверк". 17.30 "Курьер". 17.40 "Мусликий йўлка". 18.10 "Хар соҳадан бир шингил". 18.20 "Совга". 18.45 "4/8". Мусликий кўрсатув. 19.00 "Даракчи". 19.10 Эълонлар. 19.15 "Видео-О". 21.15 "Курьер". 21.25 "Шарк дурдоналари". 21.55 "Даракчи". 22.10 "Видео-О".

«ОРБИТА IV»

6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 "Рухни чинқитириш". 7.55 Янгилар. 8.30 "Авто-шоу". 9.00 "Пауза". 9.30 "Эрта саҳарлаб". 10.00 "Хамма уйдалиғида". 10.30 "Спортлото". 10.45 "Тонг юлдузи". 11.35 "Полигон". 12.05 "Янги авлод... ютуқ". 12.45 "Пи" белгиси билан. 13.30 "Провинция".

"КТВ-1" ҳамда "Франс интернациональ" канали таништиради: 14.00 "Француз пазандалари сизга тавсия этадилар". 14.10 "Кусто командасининг сувости одессеяси". Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 15.00 Янгилар. 15.20 "Қизлар қўшиғи". Татьяна Крошилина куйлайди. 15.35 "Саёхатчилар клуби". 16.25 "Хунарли хор бўлмайди". 16.30 Мультфильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари". "Ҳақиқий ажина овловчилар". 17.20 Эфирда бевосита мулоқот. 18.00 "Панорама". Хафталик халқаро кўрсатув. 18.45 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 19.05 Усть-Каменогорскда фейерверк. 20.00 "Мўъжиза". Ёш дизайнерлар халқаро фестивали ва профессионал моделлар танлови. 20.20 Телекранда биринчи марта. "Васваса-Б". Бадий фильм. 21.55 Эълонлар. 22.00 "Яқшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви. 22.45 "Орзулар вокзали". Ю. Башмет. 23.45 "Ов ҳақида хикоялар". Телефильм. 24.00 Янгилар.

"Астролябия" тунги канали: 00.20 "Рандеву". 01.05 "Соатлар атрофидаги рок". 02.05 "Ярим овозда".

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 8.25 "Хайрли тонг!". 8.55 "Қалит" кўрсатуви. "Шоҳона сафар". 5-кўрсатув. 9.25 Ҳужжатли фильм премьераси. 9.55 "Қарама-қаршиликлар". 10.35 Рост" студияси. "Соник" телеўйини. "Таклиф этишга ижозат беринг". 11.05 "Ати-бати..."

11.35 — 15.30

ЎЗБЕКИСТОН

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ 11.35 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 11.45 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўллари". 12.15 "Миср — едгорликлар мамлакат". 12.50 "Ўмид" (уйгур тилида). 13.20 "Қашфётлар оламида". 14.20 "Чет эл киноси юлдузлари". 14.45 "Дўстлик тароналари". 15.20 "Бу ажиб дуне".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.30 Теннис. "Кремль кубоги". Финал. 16.00 "Олти сотих". 16.20 "Кесиб ташламанг..."

16.35 — 18.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 18.30 Диснейнинг сеҳрли олами. "Винни Пухнинг янги саргузаштлари". "Қора плаш". 19.20 "Хар бир кун байрам". 19.30 "Овросие-ТВ" таништиради: "Лили Марлен". Бадий фильм. 21.35 "Владимир Познернинг Америкаси". 21.50 Катталар учун мультфильм. 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.30 Тунги сеанс. "Жума кунлари қарта ўйини". Бадий фильм. 00.05 "А" программаси.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.30 Теннис. "Кремль кубоги". Финал. 16.00 "Олти сотих". 16.20 "Кесиб ташламанг..."

16.35 — 18.30 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 18.30 Диснейнинг сеҳрли олами. "Винни Пухнинг янги саргузаштлари". "Қора плаш". 19.20 "Хар бир кун байрам". 19.30 "Овросие-ТВ" таништиради: "Лили Марлен". Бадий фильм. 21.35 "Владимир Познернинг Америкаси". 21.50 Катталар учун мультфильм. 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.30 Тунги сеанс. "Жума кунлари қарта ўйини". Бадий фильм. 00.05 "А" программаси.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.30 Теннис. "Кремль кубоги". Финал. 16.00 "Олти сотих". 16.20 "Кесиб ташламанг..."

16.35 — 18.30 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 18.30 Диснейнинг сеҳрли олами. "Винни Пухнинг янги саргузаштлари". "Қора плаш". 19.20 "Хар бир кун байрам". 19.30 "Овросие-ТВ" таништиради: "Лили Марлен". Бадий фильм. 21.35 "Владимир Познернинг Америкаси". 21.50 Катталар учун мультфильм. 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.30 Тунги сеанс. "Жума кунлари қарта ўйини". Бадий фильм. 00.05 "А" программаси.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.30 Теннис. "Кремль кубоги". Финал. 16.00 "Олти сотих". 16.20 "Кесиб ташламанг..."

16.35 — 18.30 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 18.30 Диснейнинг сеҳрли олами. "Винни Пухнинг янги саргузаштлари". "Қора плаш". 19.20 "Хар бир кун байрам". 19.30 "Овросие-ТВ" таништиради: "Лили Марлен". Бадий фильм. 21.35 "Владимир Познернинг Америкаси". 21.50 Катталар учун мультфильм. 22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.30 Тунги сеанс. "Жума кунлари қарта ўйини". Бадий фильм. 00.05 "А" программаси.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.30 Теннис. "Кремль кубоги". Финал. 16.00 "Олти сотих". 16.20 "Кесиб ташламанг..."

РАҲМАТ, СИЗЛАРГА!

Сентябрда оиламизда катта қайғу юз берди. Умр йўлдошим, ИИБ нафақадори Наримон Иноятвич Аҳмедов тўсатдан вафот этди.

Бундан хабар топган милиция ходимлари дарҳол қайғумизга шерик бўлишга интидилар, дафн маросимида ердам кўрсатиш учун ҳамма зарур ишни қилдилар. Менинг ҳам ешим анчага бориб қолган, бир ўзимнинг кўлимдан ҳеч нарса келмас эди.

Вақтларини аямай, қизгин ишда бўлишларига қарамай ана шу оғир, қайғули кунларимда ҳамдард бўлган Самарқанд вилояти ИИБ ва Самарқанд шаҳри ИИБ раҳбарлари Т. Тўхтаев ва Б. Матлубовлардан, кўплаб милиция ходимларидан жуда миннатдорман.

Хаммаларингизга раҳмат, менга чин дилдан ҳамдард бўлганингизни ҳеч қачон унутмайман.

Р. АҲМЕДОВА,
нафақадор.

ХОТИРА

БАНДАСИ ОЖИЗ КҮН

Онанинг кўз ёшларини ҳеч кўрганмисиз? Унинг юрак бағридан отилиб чиққан ноласини-чи, эшитганмисиз? Чўгдай ёниб турган қалбига малҳам бўлганмисиз? Қанчалик мушкул иш бу!

Ҳеч ким фарзанд доғида куймасин экан. Икки букилиб қолган муштипар онанинг нидоси кўмиш, маросимига келганлар қалбини ларзага солди.

Ўн гулидан бир гули Очилмаган болагинам, Фарзандларин дийдорини Кўролмаган болагинам...

— Эй, танграм! Бунчалар бешафқат бўлмасанг, сенга шунчалар керакми унинг жони, шовилмасанг ҳам бўлар эди-ку, ахир у навқирон, билагида куч-қуввати тўлиб-тошган йигит эди-ку?

Жасад солинган тобут елкага олинганда, онаизор яна ҳам қаттиқроқ нола қилди.

Қабристонда яна бир қабр мунгли дўппайди...

Дуненинг бунчалик беаёвлиғи, бешафқатлигини ўйлаб ҳаёлга чўмаман. Момо Ҳаволар авлодидан бўлмиш онанинг кўз ёшлари қимга керак бўлди? Бу ёшлар қувонч ёшлари бўлса бўлмасиди?

...Уша машғум хабар тарқалган кунда вилоят ёнгиндан сақлаш бўлимида жанговар ҳолатга тайергарлик учун тревога берилди. Жанговар ҳолатга тайергарлик кўриш учун отланган Комилжон Яркинов ҳам йўлга тушди. У кетиб борар экан кўз олдида волидаси, тезроқ қайтиб келинг дея илтижо билан термулиб қараб қолган оғир оёқли турмуш ўртоғи гавдаланар — хомилдор аелига унинг ердам ниҳоятда зарур бўлиб қолишини сезиб кетарди. Аммо бу не бедодликки, қутилмаганда йўлда автоавария рўй бериб фожиали ҳалок бўлди. Уйда қолган унинг аелида безовталиқ тобора кучаяр, ниҳоят икки эғизак ўғил — Ҳасан ва Ҳусан дунёга келди. Ота тугилган эғизак фарзандларининг юзларини ҳам кўра олмади...

— Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи деганларидек, хар бир фарзанднинг ўрни бор экан, — дейди Эйтиборхон ая яқинда мен билан бўлган суҳбатда. — Комилжон ўғлим болаларимнинг бешинчиси эди. — Ая кўзига ёш олди. — Болалигидан меҳнат билан ўсди, мактабда яхши ва аъло баҳоларга ўқиди, йигитлик бурчини ҳам намунали адо этиб қайтди, нимагадир ўт ўчирувчилик касбидан бўлак касбни танламади. Амакиси бўлмиш Яркулов Қодиржонга ҳавас қилди шекилли, майли, қайси касбни танласанг ҳам бошинг доим омон бўлсин, деб оқ фотиҳа бердим. У Андижон туман ёнгиндан сақлаш

бўлимига ишга кирди. Ўз касбига меҳр қўйиб ишлади, жамоада обрў топти. — ая бир зум-сукут сақлаб тургач, яна сўзида давом этди.

— Нима қилай, кўргулик экан, оллох ўзи бериб, ўзи олар экан, бандаси ожиз. Бу ёғига тинчлик бўлсин, қолган фарзандларимга омонлик тилайман. Бундай кўргуликлар ҳеч кимнинг бошига тушмасин.

Комилжон ака ҳақиқатда ҳам саҳий қалбли эди. У халқ осойишталигини сақлаш йўлида ёнган — "тилсиз ёв" билан аёвсиз курашди.

— Аниқ эсимда, — дейди унинг шоғирдларидан бири нозир Рустамжон Йўлдошев, — Бўтақора пахта пунктига кўққисдан ўт кетганлиги ҳақида хабар келди. Ўша заҳотиёқ пахта пунктига етиб бордик. Комилжон аканинг халқ мулки бўлмиш пахтани сақлаб қолишда ўт билан олишишини кўриб қойил қолгандик. Фақат Комилжон аканинг тезкорлиги билан халқ мулки сақлаб қолинганди.

Афсус, Комилжон ака Яркинов ҳаётдан эрта кетди, у ҳамisha ўз ишига виждонан ёндошар, билганларини шоғирдларига ўргатар эди. Ундаги бундай қобилиятларни сезган вилоят ёнгиндан сақлаш бўлимининг раҳбарлари уни Тошкент ёнгиндан сақлаш муҳандислари тайерлаш олийгоҳига ўқишга юбордилар. Бу олийгоҳни муваффақиятли тугатиб келгач, унга ички хизмат майори унвони берилди...

Оила отасиз қолди. Бироқ вилоят ёнгиндан сақлаш бўлими ходимлари унинг уйидан, болаларидан хабар олиб турибдилар, маданий ва маънавий ердам кўрсатишяпти. Хар ҳолда болалар тарбияси, улар келажаги оналари Оминахон опа кўлида қолди. Оилада онанинг ўрни бошқа-ю, отанинг ўрни бошқа экан. Бундай оналар олдида бош эгиб таъзим қилса арзийди. Фарзандлари бахтига улар доимо соғ-омон бўлишсин.

Бечора ая кечалари набираларига билдирмай юм-юм йиғлаб олади, бундан бошқа иложи ҳам йўқ. Бизнинг ният эса ҳеч қачон оналар йиғламасин бу дунёда.

— Яркинов Комилжон билан хар қанча фахрлансанг арзийди, — дейди вилоят ёнгиндан сақлаш бўлимининг бошлиғи Раҳимжон ака Холмирозев, — у касбини жуда севарди, қанчадан-қанча шоғирдлар тайерлади.

Вилоят ёнгиндан сақлаш бўлими бундай ходимлари билан хар қанча фахрланса ҳам оз, чунки улар қаерда халқ бошига қулфат тушса, ўша ерда ҳозир нозирлар.

Жамила МАТМУСАЕВА,
Андижон вилояти.

Суҳбатдошимиз — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ИИБ катта участка вакили, милиция катта лейтенанти Олимжон Мирзабоевни эски шаҳарликлар жуда яхши билишади, номини ҳурмат билан тилга олишади. Эл-юрт оқолини тилиги йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган Олимжон ака ўзинга қарашли ҳудуддаги кишиларнинг яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам улар билан бирга, ҳамфикр, ҳамдард.

О. Мирзабоев 1956 йили Сарноғоч туманида туғилган. Ҳарбий хизматдан қайтгач, 1978 йилдан буён ички ишлар идораларида хизмат қилиб келади. Тошкент ўрта махсус милиция мактабини 1985 йилда тугатган. Оилали. 5 нафар фарзанди бор.

МУХБИР: — Олимжон ака, ҳар кимнинг ўз иш услуби бўлади. Айтинг-чи, сиз иш кунингизни нимадан бошлайсиз?

О. Мирзабоев: — Мен иш кунимни эрталаб маҳаллаларни айланиб, маҳалла фаоллари ва кексалар билан учрашишдан бошлайман. Отаҳонларнинг кўмаги ила маҳалланинг “об-хаво”си қандайлигини билиб оламан ва шунга қараб кундалик ишни режалаштираман.

Ичкиликка муккасидан кетган, безори, жанжалкаш ва шу тоифадаги қонунбузарларни даставвал маҳалла кўмитасига чақириб, ишларини маҳалла оқсоқоллари ҳамда фаоллари билан муҳокама этамиз ва зарур чора-тадбирларни кўрамиз. Кексалар билан биргаликда олиб борилаётган бу каби ишларимиз жуда яхши самара бермоқда.

ЭЛ-ЮРТИНИ ДЕГАН ҲУРМАТ ТОПАДИ

Масалан, М. Акбаров ва А. Абдумажидов каби фуқаролар қ а р и я л а р н и н г “қизартириш”ларидан сўнг ичкиликдан қайтиб, оилалари билан тинч-тотув яшашмоқдалар.

М.: — Жиноятчиликнинг олдини олиш борасида сиз хизмат қилаётган Чигатой ҳудудида қандай амалий ишлар қилинмоқда?

О. Мирзабоев: — Бизнинг ҳудудда 10 та маҳалла бор. Аҳолининг деярли 90 фоизини ўзбек оилалари ташкил қилади. Ўзингиз биласиз, ҳақимиз ўзаро низоларни, гап-сўзларни, оиладаги сирларни ҳар доим ҳам кўчага дoston қилавермайди. Бу яхши ҳислат, албатта. Бирок гоҳида мана шу ҳислат ишимизда баъзи қийинчиликларни туғдирмоқда. Айтмоқчиманки, одамлар пичоқ суякка қадалмагунча бизга мурожаат қилишмайди. Яна ўша ўзбекчилик...

Ҳаётда адашган ва адашаётганлар жиноятга қўл урадилар. Биз бундайларнинг сонини камайтириш мақсадига, ҳар ойда маҳаллаларда учрашувлар уюштирамиз, тушунтириш ишларини олиб борамиз. Қари билганимиз — пари билмас, деганларидек, оқсоқолларнинг қимматли маслаҳатларига таянган

ҳолда шикоятчиларга керакли йўл-йўриқлар берамиз. Ҳозир маҳаллаларда назоратчи гуруҳлар ташкил этилган. Улар ўзларига ажратилган ҳудудларда оқолини тилиги таъминлашда бизга яқиндан кўмаклашмоқдалар.

М.: — Шу йилнинг 9 ойи давомида минтақангизда қанча жиноят содир этилди ва нечтаси очилди?

О. Мирзабоев: — Ҳудудимизда жами 38 та жиноят содир этилди. Шундан 5 таси бугунги кунга қадар очилгани йўқ. Жиноятчиларни аниқлаш ва уларни қўлга олишда милиция участка вакиллари Р. Юсупов, О. Сотимов, А. Ережиповларнинг хизматлари катта бўляпти.

М.: — Ҳудудда қандай жиноятлар кўпроқ содир этилмоқда?

О. Мирзабоев: — Асосан майда безорилик ва ўғирликлар бўлиб турибди. Бу жиноятларнинг аксариятини ўспиринлар содир этишмоқда. Шу йил 9 июль кунги хорижлик бир фуқаро эски шаҳардаги сартарошхоналарнинг бирида дипломатини ўғирлатиб қўйганлигини бизга маълум қилди. Биз ўша кунга кечга қадар ўғирнинг шахсини аниқладик. У ҳеч қаерда ишламайдиган, 21 ёшли Дилшод Содиқов бўлиб чиқди.

Яна бир мисол. Шу йилнинг 8

июнь кунини Нина Кинда исмли фуқаро бизга мурожаат қилиб, номаълум шахслар уйдан иккита гиламини ўғирлаб кетганлигини маълум қилди. Икки ҳафтадан сўнг жиноятчиларни топдик. Улар юқоридаги каби ҳеч жойда ишламайдиган, 1974 йилда туғилган Рустам Мирзааҳмедов билан Эдуард Пирмановлар экан.

Оилада яхши тарбия кўрмаган, ишладан кўра бекорчиликни, ҳалолдан кўра ҳаромни хушлайдиган ёш йигитчаларнинг суд қора курсисига бориб ўтиришлари ачинарли ҳол, албатта. Начора, ҳар ким ўз қилмиши учун жавоб беради.

М.: — “Постда” газетасининг ўтган сонларидан бирида “Темир дафтар” — ишончли ёрдамчи” номли мақола эълон қилинган эди. Мақола илгари, аниқроғи, урушдан кейинги йилларда ҳудуд вакиллари “Темир дафтар” тутишганлиги, улар дафтарга ўз ҳудудларида яшовчи кишиларнинг рўйхати, муҳим ахборотларни ва бошқа зарур маълумотларни мунтазам равишда ёзиб боришгани қайд қилинган. Агар мақола билан танишган бўлсангиз, айтинг-чи, “Темир дафтар” керакми?

О. Мирзабоев: — Мақолани ўқидим. Унда ўша илгари амалда бўлган “Темир дафтар”ни тиклаш масаласи кўтарилибди. Ҳа, “Темир

дафтар” керак. Унинг фойдаси катта. Бунга ўз иш фаолиятимизда амин бўлдик.

— Нима, сизларда “Темир дафтар” борми?

— Ҳа, ҳозир... — Олимжон ака шундай дея темир қутидан бир қанча дафтарларни олиб стол устига қўйди. Дафтарларни кўздан кечирдим. 1990 йилдан буён тутиб келинаётган бу дафтарларда ҳудудда истиқомат қилувчи кишиларнинг исми-шарифлари, яшаш ва ишлаш жойлари, телефон рақамлари ва шу каби бошқа муҳим маълумотлар ёзиб қўйилган. Бундан ташқари муқаддам судланганларнинг ва милицияда ҳисобда турувчиларнинг ҳам алоҳида рўйхати бор экан. Дафтарга қараб бирор шахс тўғрисида кераклича маълумотга эга бўлиш мумкин. Агар барча участка вакиллари “Темир дафтар” тутиб, шу асосида иш юритсалар бу улар учун фойдадан холи нарс бўлмас экан.

М.: — Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Сизларда-чи...

О. Мирзабоев: — Камчиликлар йўқ. Бунга фақат махсус хонамиз ва телефон алоқаси йўқлигини ҳисобга олмганда, албатта. Лекин ҳокимиятдаги ўртоклар ваъда беришарди. Биз кутяпмиз. Ҳозирги бозор иқтисодиёти билан богдиқ баъзи қийинчиликлар ва камчиликлар эса ўз вақти-соати билан, албатта барҳам топади.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ
суҳбатлашди.

СУРАТЛИ

АНДИЖОН вилоятининг Олтинкўл туманида кримноген вазият барқарорлигича қолмоқда.

Шахсий ва давлат мол-мулкни ўғирлашлар, фирибгарлик ва тан жароҳати етказишлар миқдори ўтган йил билан таққослаганда анча камайди.

Майда безориликларнинг кўпайиши ички ишлар идораларининг ходимларини ташвишга солмоқда. Айни вақтда, тезкор чоралар кўрилиши туфайли жиноятларни очиш кўпайди.

Суратларда: Олтинкўл тумани ИИБ давлат ёнғин назорияти бўлими нозирини, ички хизмат лейтенанти Зокиржон Кенжаев ўт ўчирувчилар билан ўқув машғулотларини ўтказмоқда; Олтинкўл тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Содиқжон Камолов ходимларга йўл-йўриқ



ХАБАР

бермоқда; милиция майори, навбатчи қисмининг катта нозирини Ҳошимжон Қосимов ички ишлар идораларида 1974 йилдан буён ишлаб келади; ДАНйўл-патруль хизматикатта нозирини, милиция катта лейтенанти Рустамжон Кинчаков (суратда—ўртада) йўлга чиқиш олдидан; иқтисодий жиноятларга қарши кураш бўлимининг катта тезкор вакили, милиция капитани Ҳусниддин Тожибоев 1982 йилда Тошкент Давлат дорилфунунининг ҳуқуқ-шунослик куллиятини тугатган, 1992 йилгача Андижон шаҳар ИИБда ИЖК тезкор вакили бўлиб ишлади. У харидорлар ҳақидан уриб қолаётганда ушланган фуқаро А. С. билан суҳбатлашмоқда.

Б. КЛЕЙМАН олган суратлар.

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ

ишонч телефонининг рақами эълон қилинди. ВЕИН ходимлари ўз гоёлари қандай натижа беришини кута бошладилар.

Биринчи бўлиб эркак киши телефон қилди. У билан нозир Х. Мираҳмедов суҳбатлашди. Қўнғироқ қилган киши “Юбилей” кўчасидаги уйлардан бирида кун бўйи кўчама-кўча сандироклаб юривчи бир кизча яшашини, унинг гиёҳвандлик моддаларини сотиб олганини кўрганлини хабар қилди.

Текширув натижасида кизча вояга етмаган Л. эканлиги аниқланди, ўқишга бормай юргани учун у милиция ҳисобига олинди. Бундан ташқари Л. ни тиббий кўриқдан ўтказиш учун ўсмирларнинг нарколог шифохонасига юборишди.

Ўсмирларнинг бекорчиликдан тўпланадиган жойлари ҳақида телефон орқали жуда кўп хабарлар олинмоқда. Одатда ВЕИН ходимлари бунга тезда чора кўрадилар. Масалан, телефон қилган киши Менделеев кўчасидаги уй ертўласида ўсмирлар тўпланаётганини хабар қилишга улгурмасданок у ерга ВЕИН ходимлари йўл олдилар.

Ҳақиқатан ҳам, ертўлада болалар эски креслоларга ўрнашиб олиб, эндигина карта ўйнашга киришишган экан.

Кейин яна бир шунга ўхшаш қўнғироқ бўлди. 9-мавзедаги ертўлада ҳам болалар

тўпланаётганмиш. Бу ҳодиса билан ҳам шугулланилди. Вояга етмаганларнинг ўз бўш вақтларини қандай ўтказишлари билан қизиқа бошладилар.

ВЕИН ходимларига бўлган қўнғироқлар, шахсан суҳбатлашувлар вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия учун тайерланган таклифларга доир ахборотга асос бўлди. Жумладан, ВЕИН уй-жойдан фойдаланиш бошқармалари базасида ишлайдиган ўсмирларнинг қизиқишлар бўйича клубларини 14-17 ёшли болаларга қайта йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлишини кўрсатди, зеро ҳуқуқ-тартибот бузишларнинг энг кўп миқдори айни шу ешдагилар ҳиссасига тўғри келади.

Шу йилнинг ёзидагина ишонч телефони орқали айтилган хабарлар бўйича ҳуқуқ бузишга мойил 20 дан ортиқ ўсмир аниқланди ва ҳисобга олинди, вояга етмаганлар иштирокидаги ўнга яқин жиноятнинг олди олинди.

Ишонч телефони орқали нафақат ўсмирлар, балки катталар тўғрисида ҳам хабар қилинади.

Бир кун кеч соат 10 ларда телефон орқали 3-мавзедан қўнғироқ қилишди. Бир аёл ҳаяжонли овоз билан уйларидаги биринчи қаватнинг хонадонидан бир гуруҳ маст кишилар шовқин-сурон кўтараётганини хабар қилиб, тезда етиб

келишларини илтимос қилди.

Етиб келган ходимлар ҳақиқатан ҳам хонадонда маст-алас кишиларни кўришди, улар орасида хонадон соҳибаси; ҳеч қаерда ишламайдиган Алфия Л. ҳам бор эди.

Айрим шахсларнинг жиноятларга дахлдор бўлиши мумкинлиги тўғрисида ҳам кўп қўнғироқлар бўлиб туради. Чунончи, қўнғироқ бўйича ўғирланган молларни сотиб олувчи, қўлбола ароқ тайёрловчи кишилар аниқланди.

Лекин ишонч телефони бўйича фақат шубҳали кишилар еки жиноят қилишга тайерланаётганлар ҳақида хабар қилинмайди. Баъзан болалар қўнғироқ қилиб, ота-оналари билан урилиб қолганликлари ва уйдан ҳайдаганини айтиб, йиги аралаш нима қилиш кераклиги тўғрисида маслаҳат сўрайдилар. Бундай ҳолларда ВЕИН ходимлари аввало юпатадилар, ўз хулқи-атвори хусусида ўйлаб, агар айблари бўлса уэр сўрашлари кераклиги тўғрисида маслаҳат берадилар.

Гоҳида кичкинтойлардан бирортаси қўнғироқ қилиб, йўқолиб қолган кучуқларини топиб беришларини сўрашади.

Бундай ҳолда ҳам ходимлар зарур сўзларни топиб айтадилар.

Қисқа қилиб айтганда ишонч телефони жиноятларнинг олдини олиш, халқ билан алоқани мустаҳкамлашда ўз самарасини бермоқда.

Ш. АҲМЕДОВ,
милиция подполковниги.

БОПЛАШ

(Ҳажвия)

Бошқарма бошлиғи Самиг қабулхонасидан ўтаркан, котиба киз ўрнидан турди:

— Ассалом алайкум. Трестдан телефон қилишди, тез етиб бораркансиз, — деди у.

— Бошқа гап йўқми? — сўради Самиг ва жавоб кутмай ичкарига кирди.

Унинг кўнглига гулгула тушганди. Чунки трест тафтишчиси бошқармани роса қовлаштириб текшириб, кечагина кетганди. Лекин камчилик ҳақида ҳеч нима демади. Самигнинг хаёлидан нафси ҳакалак отгандаги қилгиликлари яна бир бор ўта бошлади. Кооперативчиларга сотган арматура, алиф, тахта, цемент... Ўз ҳолига қўймади улар ҳам. Кўз ўнгингда боғлам-боғлам пуллар оловдай ловуллаб, тафти куйдирай деб тургандан кейин мушук туғул, айик ҳам офтобга чиқиб кетади-да. «Тафтишчи ўмарганларимни билиб, хўжайинга чакқан бўлса-я, лаънати, сил!» деб ўйлади ва типирчилаб қолди.

У шошиб машинасига ўтирди. Машина трест томон жўнади. Хаёли минг бир кўчага кириб чиқар эди, калласида «кооператив» сўзи тинмай айланарди. «Кооператив, — деб ўйлади у, — ия, «ко»сини олиб ташласа, «оператив» бўларкан-у. «Оператив дўкон». Хе, оператив бўлмай ўл, лаънати!»

Мана, ҳашаматли трест биноси. Самиг учинчи қаватга кўтарилди. Бошлиқ хонасида экан, кириб кўришгани шоша-пиша қўл узатди. Аммо бошлиқ газаб билан тескари қаради. Самиг ўзини йўқотганча ўтириб қолди.

— Тур ўрнингдан! — дея ўшқирди бошлиқ. — Турмада ўтирасан, аблаҳ! Нималар қилиб юрибсан? Виждонсиз, ўғри, нафсингга ўт тушгур! Сендақаларни халқ олдида огзидан отиш керак! Хой, ўпқон, шунча ҳам ейсанми?! — у столни гумбуллатиб муштлади.

— Кечиринг, ака. Нима қилибман? — Самиг талмовсираб қолганди.

— Нима еганингни ҳам билмайсанми ҳали? — бошлиқ унинг олдига келиб бир даста қозонни тумшугига тиради. — Мана, тафтишчи тузган актлар! Хов, ўғри бўл, гар бўл... Тамом, ҳозир прокуратурага телефон қиламан, турмада ўйлаб келасан яхшилаб.

Самиг жон-жаҳди билан трест бошлиғининг қўлига ёпишди.

— Жон ака, кечиринг! Нима десангиз розиман!

— Вой, ярамас-ей, — трест бошлиғи сал юмшаб, ховуридан тушди.

— Огзингизга сикқанини сўранг.

— Нима? Шунақа бой бўлиб қолдингизми? Огзимга бир миллион сигса-чи? — дея кесатди трест бошлиғи.

— Розиман, ака, — деб юборди ўзини бутунлай йўқотиб, кўзига турма эшиги кўриниб қолган Самиг.

— Хўш, қачон олиб келасан?

— Эртага, эртагаек.

— Соат неччида?

— Иккида, ака, иккида, — Самиг нима деётганини ҳам билмас эди.

— Хўп, бўпти, бор. Агар иккида келмасанг, манаву хужжатлар милицияда бўлади.

Самиг итдан қочган соқовдай ўзини эшикка урди ва қоқила-сукила пастга тушиб олди. Уйига етиб бир-икки пиёла ароқ ютгачина сал ўзига келди, нима қилиб қўйганини тушунди. «Бир миллион, даҳшат! Қандай топади? Топганда ҳам ўша евузга бериш!.. Йўқ, турмада ётсам ҳам берадиган аҳмоқ йўқ, — унинг калласи ниҳоятда тез ишлай бошлади. — Ах, топдим!!!!»

Самиг қалин ўртоғи — қурилиш базаси директориға телефон қилди. Бахтига ўртоғи уйда экан. Самиг уникага қараб чопти. Улар бир-бирларини жуда яхши тушундилар.

Самигнинг режаси оддий, лекин яхши топилганди. Икки ўртоқ тунда базадан ташиб Самигнинг бошқармасидаги камомадни тўғрилаб қўйишди.

— Ана, энди тафтишчинг тухмат қилгани учун онасини кўради, — деди ўртоғи ишлар битгач.

— Лаънати шефни ҳам қаматаман, — деди бутунлай бошқа одамга айланган Самиг маза қилаётгандай кўзларини сузиб. — Аммо бир миллионни топиш керак-да.

— Топамиз, ошна, кўрқма. Уч-тўрт киши йиғамиз, — уни юпатди ўртоғи.

— Унда боғлайман!

Ўртоғи айтгандай эрталаб ярим миллион топиб берди, чунки кимсан, қурилиш базасининг хўжайини эмасми. Ярми эса ўзида бор эди. Самиг худди биров кузатиб тургандай, кўрқа-писа милиция бўлимига қараб кетди. У милицияда ўзини оппоқ кўрсатиб, тафтишчи билан трест бошлиғининг кирдикорлари ҳақида гапириб берди. Гўе тафтишчи ашаддий тухматчи эди. Милициядагилар унинг гапларини кизикиб тингладилар, гуруҳ тузилди.

Мана, Самиг ҳаяжонланганча трест томон бормокда. Бинога яқинлашган сари юраги тўрқовокдаги беданадай ти-

пирлайди, «Нима, ҳақорат эшитиб жим қолавераманми?» дея ўзини юпатмокчи бўлади.

Қабулхонада котиба йўқ эди, Самиг тўғри ичкарига кириб борди. Бошлиқ телевизор томоша қилиб ўтирарди, ялт этиб унга қаради.

— Хўш, — деди у ўрнидан туриб.

— Олиб келдим, — деди Самиг ичдан титраганича ва газетага ўраб ип билан боғланган пулни столга қўйди.

— Бўпти, иккинчи бунақа қилма, — трест бошлиғи ўрамни сейфга солди. — Актларни йиртиб ташлайман.

— Раҳмат, ака, — Самиг кўзлари аланг-жалаңг, довдираганча қабулхонага чиқди. У энди қилган ишининг тўғри е нотўғрилигини билмас эди. Пушаймон бўлаётганга ўхшарди.

Шу заҳоти йўлакда кутиб турган милиция ходимлари бостириб кирдилар.

— Қаерда? — сўради улардан бири.

— Сейфда.

Трест бошлиғи дастлаб тахтадай қотиб бақрайиб турди. Кейин ўзини қўлга олди.

— Нима гап? — сўради у бўғилиб.

— Пора олгансиз.

— Нима?! Қанақа пора?

— Бўпти, бўпти, чиқаринг!

— Бўлса, ана топиб олаверинглар, — трест бошлиғи намоёйишкорона креслосига ўтириб олди ва сигарет тутатди.

— Сейфни очинг!

Трест бошлиғи сейфни очди. Аммо... у ерда пул йўқ эди. Милиционерлар хонанинг тит-питини чиқариб юбордилар. Пул топилмади.

— Хўш, порахўр мен эканманми ё анаву тухматчимми? — дея гижиниб бақирди трест бошлиғи. — Югуриб ўша аблаҳни ушланглар! — Милиционерлар ҳайратланиб чиқиб кетишди. Трест бошлиғи бирпас кутгач, телефон қила бошлади. — Қалайсан, Миттивой, яхши етиб олдингми? Тоза боғладик, а?..

Трест бошлиғи порани учинчи қават деразасидан отиб юборган, пастда пойлаб турган ишончли югурдаги илиб олиб жуфтакни ростлаганди.

Лекин... трест бошлиғи телефондаги овози тегишли жойда магнитофонга езилиб, боғланаётганини билмас эди.

Ориф ФАРМОН.



Хангома

ҲАММА ҲАҚ

Алижон ака Жўраев вилоят ижрокўмида аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш бўлимининг мудир бўлиб ишларди. Ажойиб инсон, ҳеч кимнинг дилини хира қилгиси келмасди, ҳаммага баравар, ҳазилкаш, дилкаш...

Бир фермер келиб, унга шикоят қилди:

— Кўшни хўжалик менга берилган ерни тортиб олди. Ҳукм чиқариб беринг, ким ҳақ?

— Сиз ҳақсиз, сиз, — деди Алижон ака.

Шикоятчи кетгач, ўша кўшни хўжалик раҳбари келди ва Алижон акага мақсадини тўкиб солди:

— Бу одам ўзбошимчалик қилиб ерни ўзига қайтариб олган экан. Ҳозир тортиб олаяпмиз. Энди айтинг-чи, ким ҳақ? Менми ёки уми?

— Ҳозир дунёда ноҳақлар қолмади, — деди Алижон Отақулович. — Сиз ҳақсиз.

Иккинчи шикоятчи ҳам кетгач, ичкаридан шу бўлимнинг ходимаси — Замира Бобоевнинг овози эшитилди:

— Алижон ака, унисига ҳам «ҳақсиз» дедингиз, бунисига ҳам. Эртага иккаласи баравар келиб, ёқангиздан олса, нима дейсиз?

Алижон ака унга жавоб қайтарди:

— Синглим, сен ҳам ҳақсан.



Савол: Капитализм социализмдан нимаси билан фарқ қилади?

Жавоб: Капитализмда инсон инсонни эксплуатация қилади, социализмда эса аксинча.

1966 йил. Римда расмлар кўргазмаси. Пикассо таклиф билетини унутиб қолдиргани учун уни ичкарига киритишмади. Ундан ҳақиқатдан ҳам Пикассо эканлигини исбот қилиб беришини сўрашди. Буюк расм тинчлик кабутарини чизгандан сўнг, унга рухсат берилди.

Фурцевани ҳам таклиф билетини унутиб қолдиргани учун ичкарига қўйишмади.

— Ахир мен СССР Маданият вазириман! — деди Фурцева.

— Сиз исбот қилиб беринг! Мана, Пикассо ҳам таклиф билетини унутиб қолдирган экан, у ўзининг расмлари билан Пикассо эканлигини исботлашига тўғри келди.

— Пикассо деганларинг ким ўзи?

— Ҳаммаси жойида, ҳурматли Фурцева, қани, ичкарига марҳамат.

(«Томдаги томошалар» китобидан).



Изоҳнинг ҳолати йўқ.



— Рухсатномамга бир қаранг-чи, мабодо сизнинг заводингизда ишламаймманми!



— Сизни ким қақиртирди! — Сиз. Уғлимнинг ҳуққи масаласида келгандим.



*** Маънавий ҳордиқ. ***

БАРЧАСИ ЖАЖЖИЛАР УЧУН

Ўзбеклар азалдан болажон, фарзанд деганда бутун борлигини бахшида этишга тайёр халқ. Бу янги гап эмас, албатта. Биз келажакимиз бўлган фарзандларимизга барча ғамхўрликларни қилишга, пухта таълим-тарбия беришга интиламиз. Ҳамиша кам-кўстсиз яшашини истаймиз.

Жиззах шаҳридаги вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли «Азиза» болалар боғчаси бунинг яна бир исботидир. Боғча очилганига энди икки йил тўлаётган бўлса-да, бошқа болалар масканига қараганда жозибадорлиги, замонавийлиги, дид билан безатилганлиги билан ажралиб туради.

Ҳар тонг боғча ҳовлиси супириб-сидирилган, сув сепилган, анвойи гуллар ҳиди димоққа урилади. Айвонларни гўё эртақлар олами дейсиз. Ўзбек халқ эртақларининг моҳияти ифодаланган расмлар нафақат жажжиларга, балки катталарга ҳам олам-олам завқ беради. Тагин ўзига хос нарсаси шундаки, боғчадаги йўлакча ва чорраҳаларга электр билан ишлайдиган кичик светофорлар ва йўл белгилари ўрнатилган. Болалар дастлабки

тартибот ходимларининг фарзандларидир.

— Боғчамизда малакали боғча тарбиячилари меҳнат қилади, — дейди мудира Бахшанда Зухурова. — Улар жуда аҳил, тиришқоқ ва боғчани миллийлаштиришга, болаларга халқимиз урф-одатлари, анъаналари, қўшиқ ва рақсларини сингдиришга катта эътибор бераёттилар. Боғчамизда «Одобнома» машғулотларини ташкил этганмиз. Унда ўғил болаларга

оқилик, мардлик фазилатлари, қизларга назокат бойликлари бахш этилмоқда. Тарбиячилардан Зулфия Маматқулова, мусиқа тарбиячиси Гулшан Каримова, рассом ва тарбиячи Татьяна Аржакаева, Марина Горбуноваларнинг ижодий изланишлари барчага ибратлидир. Бош ошпазимиз Хайринисо Норчаева ва унинг ёрдамчиси Гули Ортиқовалар болаларнинг сеvimли таомларини тайёрлаб, олқишлар олишмоқда.

Ҳақиқатан, боғчада болаларга миллий қадриятлар сингдириб берилмоқда. Тарбиячиларнинг дастурлари хилма-хил. Энг яхшилари вақти-вақти билан тақдирланапти. Болаларнинг миллий лапар ва қўшиқлардан «Дейди», «Кичкинажон», «Ковушим», «Читти гул», «Чаманда гул»ни, миллий ўйинлардан «Оқ теракми, кўк терак», «Зағизгон», «Чори чамбар», «Мушук ва сичқон» кабиларни маҳорат билан ижро этганини кўриб завқланасан.

Шунингдек, боғча ҳовлисида кичкина бўлса-да, боғ ва сабзавот экилган майдонлар бор. Болалар катталарнинг касбларини шу ерда кўриб, ўрганиб бориши, меҳнатга меҳр қўйиши таҳсинга лойиқ ишдир.

Мудира Б. Зухурова вилоят ИИБ да хотин-қизлар уюшмасининг раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатаётир. У 80 дан ортиқ хотин-қизларнинг ишлаши учун шарт-шароитлар яратишда, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишда бош-қош.

Яқинда ана шу болалар боғчасида Жиззах шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли барча боғчаларнинг мудиралари иштирокида семинар-курғазма бўлиб ўтди. Йигинда боғча



қадамлариданоқ йўл қодалари билан танишишади.

Болалар боғчасини ишга туширишда вилоят ИИБ бошлиғининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари, милиция полковниги Тўйчи ака Йўлчиевнинг меҳнатлари катта бўлди. — дейди вилоят ИИБнинг касаба уюшмаси раиси Қўри Шарипова. — Ҳозир у киши истеъфода. Шу кунларда вилоят ИИБ бошлиғи Н. Яхшилик, вилоят ИИБ ДАНБ бошлиғи Н. Муродов ва вилоят ИИБ Ёнғиндан сақлаш бошқармаси болалар боғчаси фаолиятига яқиндан ёрдам бермоқда. Бу ерда 220 нафардан ортиқ болалар тарбияланапти. Шунинг асосий қисми ҳуқуқ-



фаолияти юқори баҳоланиб, келгусидаги вазифалар режалаштирилиб олинди. Семинар-курғазмада Республика Ички ишлар вазирлигининг болалар боғчалари бўйича катта нозири Алла Нелюбова, Жиззах шаҳар халқ таълими бўлимининг мудир Уткир Маҳмудов ва бошқалар иштирок этдилар.

О. ҲАМЗАЕВ.

СУРАТЛАРДА: вилоят ИИБнинг касаба уюшмаси раиси Қ. Шарипова (ўнгда) ва болалар боғчаси мудираси Б. Зухурова; катта гуруҳ тарбиячиси Ҳалима Кенжаева болалар билан; болалар мусиқа хонасида.

Муаллиф олган суратлар.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Республикада хизмат кўрсатган шифокор, истеъфодаги ички хизмат полковниги Р. Холматов ИИБда тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва такомиллаштиришга жуда катта ҳисса қўшди — у 1961-1979 йилларда тиббиёт бўлими, сўнгра бошқарманинг бошлиғи бўлиб ишлади. Р. Холматов ички ишлар идораларида 35 йилдан кўпроқ хизмат қилди. Унинг бевосита раҳбарлигида жойларда тиббиёт бўлимлари, хизматлари ташкил этилди, поликлиникалар, стационарлар, округ ҳарбий-врачлик комиссиялари, санитария-эпидемиология станциялари тармоғи яратилди. Айни шу даврда даволаш-профилактика муассасалари қурилиши, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, тиббиёт кадрларини оқилона танлаш, жой-жойига қўйиш, тайёрлаш ва ўқитиш жадал суръатда олиб борилди. Республиканинг етакчи шифокор мутахассисларининг кучи билан юқори малакали тиббий маслаҳат ёрдами берилга бошлади.

У Тошкентда марказий госпиталь, марказий ва стоматология поликлиникалари, Бухоро ва Наманганда касалхоналар қурилишига

катта ҳисса қўшди.

Рауф Холматович шахсий таркибни соғломлаштириш, ходимларнинг меҳнат шaroитини яхшилаш, озиқ-овқат билан таъминлашни ташкил этиш, мактабгача тарбия муассасалари ва пионер лагерлари тармоғини ривожлантириш ишига катта эътибор берди.

Талабчан, қатъиятли, принципи ва аини вақтда сезгир ва ғамхўр бўлган Рауф Холматович дам олаётган ҳозирги пайтда ҳам тиниб-тинчимайди. У ички ишлар вазирлигининг фахрийлар кенгаши, Тиббиёт бошқармаси ишида фаол қатнашмоқда, ўзининг бой тажрибаси билан ўртоқлашмоқда.

Ҳозир у ички ишлар идоралари соғлиқни сақлаш музейини барпо этиш фикрида, ана шу мақсадда материаллар тўпламоқда.

Рауф Холматович, сизни қутлуг сана — 75 ёшга тўлишингиз билан чин дилдан табриклаймиз, Сизга ва яқинларингизга сийҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз.

ИИБ ТИББИЁТ БОШҚАРМАСИ
РАҲБАРИЯТИ, ИИБ
ФАҲРИЙЛАР КЕНГАШИ.

ОБУНА-94

«Постда» — «На посту» газеталарига 1994 йил учун обуна барча алоқа бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда. Имкониятингиз борида ҳаракат қилиб қолинг!

Эслатиб ўтамиз, ҳар бир газета учун обуна баҳоси:

бир йилга — 4680 сўм,

олти ойга — 2340 сўм,

уч ойга — 1170 сўм.

Обуна рақами (индекси): 64615 ва 64616.



Газета — бизнинг ҳамроҳимиз

Ҳозирги даврда ҳаммага еқадиган газета чиқариш осонмас, албатта. Дид-ли ўқувчи ҳар нарсаниям газета деб ўқийвермайди.

Тан олиш керакки, ички ишлар вазирлиги ҳайъати нашри бўлган «Постда» газетаси кейинги пайтларда ранг-баранглиги, ўқишлилиги билан ҳар бир кишининг диққатини жалб қилмоқда. Албатта, буни газета ижодкорларининг изланишлари самараси, деяр тушунмоқ керак.

Газетани нафақат биз — милиция ходимлари, балки бошқа соҳадагилар

ҳам севиб ўқийди. Сотувда газета туриб қолмайди, ўз ўқувчисини топади. Шундай газетадан йироқлашиш мумкинми? Асло! Газета бизга доимо ҳамроҳ, унинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутамиз.

Кейинги йил учун обуна мавсуми давом этар экан, биз ҳеч иккиланмай юз фойз «Постда»га обуна бўлдик.

Абдуҳамид ЭРҒАШЕВ,
Ғолиб ҚУРБОНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББга қарашли
Пост-патруль хизмати, 1-рота
милиция сержантлари.

ЭЪЛОН

1973 йилда Тошкент политехника институти томонидан Абдуқодирбек Ганиев номига берилган Я 970121 рақамли диплом йўқолганлиги туфайли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 658, 33.029 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛҲОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.